



КАСБ-ХУНАР ЎРГАНИШ УЧУН ШАРОИТЛАР КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 15 июнь куни аҳолини касб-хунарга тайёрлаш ва мономарказлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимизда саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш, қурилиш каби кўплаб соҳалар ривожланиб, янги-янги корхоналар очилмоқда. Уларни малакали ишчи ва мутахассислар билан таъминлаш мақсадида олий ва ўрта махсус таълим йўналишлари ўзгартирилмоқда. Худудларда “Ишга марҳамат” мономарказлари ташкил этилиб, ёшларга касб ўргатилмоқда.

Тараққиёт стратегиясида бу борада навбатдаги қадамлар — ҳар бир фуқарога касб-хунарга ўқиш имкониятини яратиш, камбағалликни 2 бараварга қисқартириш мақсадлари белгиланган.

Бунинг учун барча асослар бор. Масалан, биргина 2022 йилнинг ўзида жами 16 миллиард долларлик 9 мингдан зиёд йирик ва ўрта пой-ҳалар амалга оширилмоқда. Уларга 300 мингга яқин малакали ишчилар керак.

Шу билан бирга, бу йил 404 минг ёшлар ўрта таълимини, 151 минг нафари профессионал таълимини ботириб, меҳнат бозорига кириб келади. Уларни тўғри йўналтириб, бандлигини таъминлаш — долзарб вазифа.

Лекин, очигини айтганда, 330 та касб-хунар мактаби, 173 та коллеж ва 207 та техникум кутилган натижани бермапти. Улардаги имкониятнинг атиги 40-50 фоизидан фойдаланолар, холос. “Ишга марҳамат” мономарказлари бор-йўғи 10 фоиз ишсизларни қамраб олган.

Кўп коллеж ва техникумлардаги ўқув дастурлари замон талабига мос эмас, 1 минг 350 номдаги касбий дарслик ва адабиётлар етишмайди. Оқибатда иш берувчилар ходимларни қайтадан ўқитишга мажбур бўлмоқда.

Шу боис, йиғилишда касб-хунар таълимини замон талабларига мослаштириш бўйича янги тизим жорий қилиниши белгиланди.

Яъни 45 та коллеж Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимига ўтказилиб, уларнинг ўрнида мономарказлар ташкил этилади. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги касб-хунар мактаблари ва техникумларни бошқариш ва методик таъминлашга масъул бўлади.

Ҳар бир вилоят, туман ва шаҳарда Касб-хунар таълими кенгашлари ташкил этилади ва уларга ҳокимлар раҳбарлик қилади. Кенгаш таркибига давлат идоралари, банк, ректор-

лар, Савдо-саноат палатаси ҳамда туман иқтисодиётидан келиб чиқиб, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва сервис корхоналари раҳбарлари кириди. Улар мутахассисларга бўлган эҳтиёж асосида, мономарказ ва коллежларда ўқитиладиган касбларни белгилайди, ёшларни ишлаб чиқариш корхоналарига бериштириб, амалиёт ўташини ташкил этади.

Йиғилишда соҳадаги ижобий тажрибалар ҳам кўрсатиб ўтилди. Масалан, 57 та профессионал таълим муассасасида Германия таърибаси асосида, иш жойида ўқитишнинг дуал таълим шакли йўлга қўйилган. Мактабгача таълим тизимида бу ўз натижасини бермоқда: педагогика коллежи ўқувчилари 2 кун назарий билимлар олиб, қолган кунлари боғчаларда ишлаб, ойлик олмоқда.

Ёки яна бир мисол: Сирдарё вилояти Ширин шаҳридаги энергетика коллежидан Саудия Арабистонининг “ACWA Power” компанияси буюртмаси асосида ёшларни муқобил энергия станцияси техниги, оператори ва диспетчери каби касбларга тайёрлаш бошланган. Бунинг учун компания 2 миллион 800 минг долларга коллежда замонавий устакхона, лаборатория ва ётоқхона барпо қилган.

Давлатимиз раҳбари бундай ишларни бошқа тармоқларда ҳам йўлга қўйиш, касбий таълим муассасаларини йирик саноат корхоналари ва кластерларга бириктириш бўйича тавсиялар берди.

Тахлилларга кўра, бугунги кунда олий таълим тизимида ўқитиладиган айрим мутахассисликларни техникумларга ўтказиш мумкин. Бу ёшларнинг ҳам вақтини, ҳам нақдini тежайди.

— Техникумларга бўлган ёндашувларни ўзгартириш керак. Улар “институтга киришнинг осон йўли” эмас, мураккаб касб берадиган, меҳнат бозорига рақобат қиладиган тизим бўлиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Келгуси йил 1 январдан бошлаб, илмий даражаси бор техникум ўқитувчиларининг иш ҳақини олий-гоҳлардагига тенглаштириш, янги ўқув йилидан техникум ва коллеж ўқувчилари учун ҳам имтиёзли таълим кредитини жорий этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, техникумларга қабулни бир йилда 2 марта ташкил

этиш бошланади. Бу орқали касбий таълим билан қамраб олиш 35 фоизга ошади.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги янги ташкил этиладиган мономарказларда замонавий касблар ва хорижий тилларни ўқитиш, Туркия, Жанубий Корея, Германия, Ҳиндистон ва Япониядан мутахассислар жалб қилиш бўйича топшириқ берилди.

Йиғилишда касбий таълим муассасаларида ишлаётган ўқитувчи ва усталарни рағбатлантириш масаласига ҳам эътибор қаратилди.

Келгуси йил 1 январдан уларнинг ойлиги мактаб ўқитувчиларининг маошига тенглаштирилиши айтилди. Ўқитувчилар малака тоифаси учун тўланадиган устама ўртасидаги фарқ 2 баробарга оширилади. Эришган натижасига қараб, фидойи ва ташаббускор мураббийларнинг ойлигига 50 фоизгача устама тўлаш жорий этилади. Келгуси йилда бунинг учун бюджетдан қўшимча 150 миллиард сўм ажратилади.

Шу билан бирга, профессионал таълим муассасалари педагоглари малакасини оширишнинг янги тизими яратилади. Университетлар ҳузуридаги малака ошириш факультетлари ўрнига ҳар бир вилоятда Профессинал тайёргарлик марказлари ташкил этилади. Бу марказлар иш берувчиларнинг эҳтиёжини ўрганиб, хорижий тажриба асосида педагоглар малакасини оширади.

Аҳолини касб-хунарга ўқитишда хусусий сектор улушини кўпайтириш учун ҳам бир қатор имтиёзлар белгиланди. Унга кўра, энди лицензия олиш учун талаблар енгиллаштирилиб, зарур маблағнинг минимал миқдори 2 бараварга камайтирилади. Бўш бинолар узок муддатга ижарага берилади. Хориждан келтириладиган қўлланма ва ускуналар божхона тўловларидан озод қилинади. Халқаро малака сертификатини олган ҳар бир битирувчи учун 1 миллион сўмдан тўланади. Эҳтиёжманд ёшлар тўлов-контракти маблағининг 30 фоизи қўллаб берилади.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан вазирлар, ҳокимлар, касб-хунар мактаби ва мономарказлар раҳбарлари сўзга чиқиб, ўз тақлифларини билдирди.

ЎЗА

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

ДАВЛАТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон кадрини улуглаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Шундай тартиб жорий этилсинки, унга кўра:

а) **2022/2023 ўқув йилидан бошлаб:** давлат олий таълим муассасаларида уларнинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврият таълим йўналишлари бўйича **масофавий таъ-**

лим шакли жорий этилади;

ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг **давлат буюртмаси параметрлари** тасарруфиди ушбу таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идораларнинг тақлифи асосида Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда **Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланади;**

давлат олий таълим муассасалари магистратурасига қабул абитуриентнинг бакалаврият дипломи бали ўртача кўрсаткичи ҳамда хорижий тилини билиш даражаси бўйича тегишли миллий ёки халқаро сертификат бали асосида, бал-

лар кетма-кетлигига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилади ҳамда қўшимча имтиҳон ўтказилмайди;

б) давлат олий таълим муассасалари магистратурасига қабул бир йилда икки марта — август ва январь ойларида ташкил этилади. Бунда:

август ойидаги қабул — навбатдаги ўқув йили учун тасдиқланган давлат гранти ва тўлов-контракт асосидаги ҳамда молиявий мустақиллик берилган олий таълим муассасаларининг кузатув кенгашлари томонидан тасдиқланган тўлов-контракт асосидаги қабул параметрларига мувофиқ;

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Й И Ш И

2022/2023 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ДАВЛАТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШНИНГ ДАВЛАТ БУЮРТМАСИ ПАРАМЕТРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қадар тасдиқлаш тавсия этилсин.

3. Давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссияси **беш кун муддатда** 2022/2023 ўқув йили учун:

соғлиқни сақлаш, халқ таълими, ветеринария, тиббий-ижтимоий хизматлар соҳаларида олий маълумотли кадрларга эҳтиёж юқори бўлган ҳудудлар учун давлат буюртмаси параметрларининг давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида манфаатдор вазирлик ва идораларнинг буюртмаларига мувофиқ **мақсадли қабул параметрларининг туман (шаҳар)лар кесимидаги тақсимотини;** Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тизимида олий таълим муассасаси бўлган вазирлик ва идораларнинг тақлифлари асосида давлат буюртмаси параметрларининг **таълим тиллари бўйича тақсимотини** тасдиқласин ва эълон қилсин.

4. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги **бир ой муддатда:**

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 15 июнь

БУГУННИНГ ГАПИ

БЎЛИҚ БОШОҚЛАРДАН ХИРМОНЛАР ЮКСАЛМОҚДА

Бу йил юртимизда ғалла ҳосили мўл бўлади, ғаллачилик учун об-ҳаво қўлай бўлди. Ўз навбатида, бугдойзорлардаги бўлиқ бошоқлар ҳам мўл ҳосилдан далолат бериб турибди. Соҳа вакиллари эса мамлакатимизда 1 миллион 32 минг гектар майдонда 7,5 миллион тоннадан ортиқ бугдой етиштирилишини ҳисоб-китоб қилган.

Давоми 2-бетда



ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

Тараққиёт стратегиясида Ўзбекистоннинг бизнес юритиш, инновациялар, глобал ва саноат рақобатбардошлилик индекслари бўйича етакчи 50 мамлакат қаторидан ўрин эгаллашини таъминлаш устувор вазифа сифатида белгиланган. Шунингдек, 2030 йилга қадар муносиб ҳақ тўланадиган 10 миллионга янги иш ўрни яратиш давлатимиз иқтисодий стратегиясининг муҳим йўналишидир.

ХУСУСИЙ МУЛК ДАХЛСИЗЛИГИ КАФОЛАТЛАРИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИЛИШИ КЕРАК

Бундай юксак мақсадларга хусусий мулк дахлсизлигини таъминлашмасдан, уни турли тажовузлардан ҳимоя қилмасдан туриб эришиб бўлмайди. Шу боис, бу вазифа давлатимиз иқтисодий сиёсатининг энг устувор йўналишидан бирига айланиши керак.

Чунончи, мулкдорлар ўрта синфи, тадбиркорлар ва фермерлар, кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳаси вакиллари янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларга қўмақлашаётган, қўллаб-қувватла-

ётган, давлат ва жамиятимизнинг мустақам таъничига айланаётган фаол ижтимоий қатлам саналади. Шундай экан, хусусий сектор манфаатлари, ҳақ-хуқуқларини ҳимоялаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ғоят муҳим.

Айтиш кераки, илғор мамлакатлар иқтисодий юксалиш даражасига хусусий мулк дахлсизлиги, мулкдорлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоясини таъминлаш орқали эришган.

Давоми 4-бетда

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН РУҲИ

ИЖТИМОЙ САФАРБАРЛИК ВА ФАОЛ ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИ

(Биринчи мақола)

Бугунги Ўзбекистон мамлакатимиздаги барча куч ва имкониятларни бирлаштирган ҳолда амалга оширилаётган ислохотларнинг самарасини эртага эмас, айнан бугун кўришга интилаётган, жонажон Ватанимизнинг, албатта, дунёнинг ривожланган давлатлари қаторига киришига астойдил ишонган, халқимиз ҳаётини, бугунги ва эртасини эркин ва фаровон қилишни ўзининг энг улғувор вазифасига айлантирган жаҳоннинг мустақил субъекти сифатида майдонга чиқмоқда.

Давоми 3-бетда





Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ДАВЛАТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

январь ойидаги қабул — дастлабки қабул натижаларига кўра тўлмаган ўринлар ҳамда Давлат комиссияси томонидан тасдиқланган қўшимча тўлов-контракт асосидаги қабул параметрларига мувофиқ амалга оширилади;

в) давлат олий таълим муассасалари магистратурасига қўшимча қабул параметрлари асосида ўқишга қабул қилинган абитуриентларнинг тўлов-контракт суммаси бир талабага тўғри келадиган реал харажатлардан келиб чиқиб, олий таълим муассасаси томонидан мустақил белгиланади;

г) табақалаштирилган тўлов-контракт миқдори Давлат комиссияси томонидан белгиланган суммадан кам бўлмаган миқдорда олий таълим муассасалари томонидан мустақил белгиланади;

д) қонунийлик ҳужжатларига мувофиқ олий таълим муассасаларига имтиҳонларсиз давлат гранти асосида ўқишга кириш бўйича имтиёзга эга бўлган шахслар умумий қабул параметрларидан ташқари қўшимча давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинади;

е) давлат олий таълим муассасаларига бўйсунуви бўйича вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда чет эл фуқаросини тўлов-контракт асосида ўқитиш қиймати тегишли таълим йўналиши ва мутахассислик учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларига нисбатан белгиланган базавий тўлов-контракт миқдоридан кам бўлмаган миқдорда белгилаш ҳуқуқи берилади. Бунда, чет эл фуқароси олий таълим муассасаси томонидан ўтказиладиган суҳбат натижасига кўра ўқишга қабул қилинади;

ж) **2023/2024 ўқув йилидан бошлаб:** давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари **фақат давлат гранти** бўйича тасдиқланади; давлат олий таълим муассасаларига (молиявий мустақиллик берилган олий таълим муассасалари бундан мустасно) **тўлов-контракт асосидаги қабул параметрлари** бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик (идора) томонидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади ҳамда **ҳар йили 20 июнга қадар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинади;**

олий таълим муассасалари бакалаврият таълим йўналишларига мос келувчи **имтиҳон фанлари мажмуаси** Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланади ҳамда имтиҳон синовлари бошланишидан камида **6 ой олдин эълон қилинади.**

2. 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб республикада фаолият юритаётган хорижий олий таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари ҳамда нодавлат олий таълим ташкилотларида (кейинги ўринларда — республикада фаолият юритаётган хорижий ва нодавлат олий таълим ташкилотлари) **давлат гранти асосида кадрлар тайёрлаш бўйича 1 000 та ўрин** ажратиб борилсин.

Белгилаб қўйилсинки: Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги давлат гранти асосида республикада фаолият юритаётган

ган хорижий ва нодавлат олий таълим ташкилотларида кадрлар тайёрлаш бўйича давлат буюртмачиси ҳисобланади;

ҳар йили 1 июлга қадар мазкур давлат грантининг олий таълим ташкилотлари ва бакалаврият таълим йўналишлари бўйича тақсимооти Давлат комиссияси томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг тақлифлари асосида тасдиқланади ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинади; республикада фаолият юритаётган хорижий ва нодавлат олий таълим ташкилотларига кириш имтиҳонлари яқунлангач **бир ой муддатда** банлар кетма-кетлигига риоя қилган ҳолда, энг юқори балл тўплаган ва давлат грантини олиш истагини билдирган талаба, тегишли олий таълим ташкилоти ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўртасида уч томонлама шартнома тузилади. Бунда, талабанинг ишлаб бериш мажбурияти давомийлиги таълим йўналиши хусусиятини ҳисобга олган ҳолда давлат буюртмачиси томонидан белгиланади.

3. Хотин-қизларнинг олий таълим билан қамровини ошириш орқали давлат ва жамиятдаги фаоллигини кучайтириш, гендер тенгликни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишловларни янада жадаллаштириш мақсадида шундай тизим жорий этилсинки, унга кўра:

а) Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасининг тавсияномасини олган, олий маълумотга эга бўлмаган хотин-қизлар учун **2022/2023 ўқув йилидан бошлаб бакалавриятнинг кундузги таълим шакли** бўйича умумий белгиланган давлат гранти асосидаги қабул параметрларига қўшимча **2 000 та давлат гранти** ажратилади. Бунда: тавсияномага эга бўлган хотин-қизлар учун давлат гранти асосида ажратиладиган қабул параметрларининг камида **50 фоизи аниқ ва табиий фанлар, техника ва табиёёт** йўналишлари орасида тақсимланади;

ҳар йили 20 июлга қадар тавсияномага эга бўлган хотин-қизлар учун давлат гранти ўринларининг олий таълим муассасалари ва бакалаврият таълим йўналишлари бўйича тақсимооти Давлат комиссияси томонидан Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг тақлифлари асосида тасдиқланади ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинади;

б) давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қўйидагилар қопланади:

2021/2022 ўқув йилида давлат олий таълим муассасалари магистратурасига талабаликка қабул қилиниб, тўлов-контракт асосида тахсил олаётган **хотин-қизларнинг 2022/2023 ўқув йили учун тўлов-контракт миқдори;**

2022/2023 ўқув йилидан бошлаб давлат олий таълим муассасалари магистратурасига ажратилган қабул параметрлари доирасида **базавий тўлов-контракт асосида талабаликка қабул қилинган хотин-қизларнинг тўлов-контракт миқдори.**

Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасининг тавсияномаси асосида хотин-қизларни бакалавриятга қабул қилиш ҳамда давлат олий таълим муассасаларининг магистратура босқичига тўлов-контракт асосида қабул қилинган хотин-қизларнинг

тўлов-контракт суммасини Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш тартибларини тасдиқласин.

4. Давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича **давлат комиссияси** (матн бўйича — Давлат комиссияси) ташкил этилсин ва унинг таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат комиссиясига қуйидаги ваколатлар берилсин:

зарурат бўлганда, олий таълим муассасаларининг моддий-техника базаси, профессор-ўқитувчилари таркиби ва ўқув-методик таъминотида келиб чиқиб, янги бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини киритиш ҳамда ташкил этиладиган янги давлат олий таълим муассасалари қабул параметрларини белгилаш учун давлат буюртмаси параметрларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

давлат олий таълим муассасаларининг бакалаврият ва магистратурасига тегишли тармоқлар ва худудлар бўйича мақсадли қабул параметрларини белгилаш, шунингдек, давлат буюртмаси параметрларининг таълим тиллари бўйича тақсимотини тасдиқлаш;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идораларнинг тақлифлари асосида олий таълим муассасаларининг (молиявий мустақиллик берилган олий таълим муассасалари бундан мустасно) бакалаврият таълим йўналишлари бўйича базавий тўлов-контракт қийматида келиб чиқиб, табақалаштирилган тўлов-контракт минимал миқдорининг ягона кўрсаткичларини белгилаш.

5. Олий маълумотли кадрларни тайёрлашга оид давлат буюртмасини шакллантириш бўйича қуйидаги тартиб жорий этилсин:

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги доимий асосда республика худудлари доирасида давлат органлари, иқтисодиётнинг реал тармоқлари ва соҳаларида таълим йўналишлари, мутахассисликлар ва аниқ касблар бўйича олий маълумотли кадрларга бўлган талабни ўрганади ҳамда кейинги тўрт йилга мўлжалланган прогностни шакллантириб боради;

ҳар йили 1 апрелга қадар Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги маънафатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ҳар бир давлат олий таълим муассасаси бўйича таълим йўналишлари ва мутахассисликлар кесимида давлат гранти асосидаги давлат буюртмаси параметрлари лойиҳасини шакллантиради ҳамда қўриб чиқиш учун Давлат комиссиясига тақдим этади;

ҳар йили 1 майга қадар Давлат комиссияси давлат олий таълим муассасаларининг бакалаврият ва магистратурасига қабул қилиш бўйича давлат гранти асосидаги давлат буюртмаси параметрларини шакллантиради ҳамда тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президентига киритади.

6. Давлат олий таълим муассасаларига қабул жараёнида **абитуриентларни онлайн рўйхатдан ўтказиш** Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва Давлат тест марказининг расмий веб-сайти орқали ҳар йили **20 июндан 20 июлга қадар** (20 июль куни ҳам), чет тили фанидан касбий (ижодий) имтиҳон ўтказиладиган бакалав-

рият таълим йўналишлари бўйича эса **10 июлга қадар** (10 июль куни ҳам) амалга оширилади.

Бунда, абитуриентларга: тест синовни топшириладиган фанлар мажмуаси ва кетма-кетлиги бир хил бўлган бештагача бакалаврият таълим йўналишларини ҳамда бир вақтнинг ўзига **барча таълим шакллари**ни **танлаш ҳуқуқи берилади;**

рўйхатдан ўтиш жараёнида танланган бакалаврият таълим йўналишлари устуворлигига қараб дастлаб давлат гранти, кейинчалик тўлов-контракт асосида танловда иштирок этиш имконияти берилади.

7. Талабалар ўқишини давлат олий таълим муассасаларига кўчириш бўйича қуйидаги тартиб жорий этилсин:

а) **хорижий мамлакатларда** фаолият юритаётган (жумладан, халқаро тан олинган рейтингларда биринчи 1 000 та ўриндан бирини эгаллаган) **олий таълим ташкилотларидан** давлат олий таълим муассасаларининг мос ва турдош таълим йўналишларига кўчириш:

талабадан алоҳида иктидор талаб этиладиган таълим йўналишлари бўйича касбий (ижодий) имтиҳонлар, бошқа таълим йўналишлари бўйича тест синовлари ўтказилади. Бунда, касбий (ижодий) имтиҳонлар тегишли олий таълим муассасаси томонидан, тест синовлари Давлат тест маркази томонидан ўтказилади; тест синовлари ва касбий (ижодий) имтиҳонлар бўйича ўтиш баллари ҳар йили 15 июлга қадар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар томонидан белгиланади ҳамда Давлат тест марказининг расмий веб-сайтида эълон қилинади;

ўтиш балидан паст балл тўплаган талабалар бакалавриятга қабул қилишдаги тартибга мувофиқ табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинади;

тест синовлари ва касбий (ижодий) имтиҳонлар натижалари Давлат тест маркази ҳамда тегишли олий таълим муассасасининг расмий веб-сайтларида эълон қилинади;

б) хорижий мамлакатларда фаолият юритаётган олий таълим ташкилотларидан давлат олий таълим муассасаларининг мос ва турдош бўлмаган таълим йўналишларига кўчиришга рухсат этилмайди;

в) **давлат олий таълим муассасасининг биридан бошқасига** талабалар ўқишини кўчиришга фақатгина қуйидаги ҳолатларда рухсат берилади:

талаба оила қуриши муносабати билан турмуш ўртоғи доимий яшайдиган худуддаги олий таълим муассасасига ўқишини кўчириш учун мувожаат қилганда;

давлат органларининг ходимлари иш жойи ўзгарган тақдирда унинг турмуш ўртоғи ёки вояга етмаган фарзанди ўқишини кўчириш учун мувожаат қилганда, тегишли вазирлик (идора) раҳбарининг тавсияси асосида;

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2022 йил 15 июнь

Ш. МИРЗИЁЕВ

БУГУННИНГ ГАПИ

БЎЛИҚ БОШОҚЛАРДАН ХИРМОНЛАР ЮКСАЛМОҚДА

Зойир ҚУЛИЕВ,
Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги
“Ўзагроинспекция”нинг
Сурхондарё вилояти
бошқармаси бош
инспектори

Бошланиши 1-бетда

Ниҳоят, июнь ойидан ўрим-йғим мавсуми бошланиб, ғалвир сувдан кўтариладиган вақт келди. Худудлардаги қишлоқ деҳқон фермерларимиз кутилганидан ҳам кўпроқ ҳосил олиб, хирмонларини барака билан тўлдирмоқда.

Сурхондарё вилояти юртимиз жанубида жойлашгани боис, у ерда деҳқончилик маҳсулотлари бошқа худудларга нисбатан эрта пишиб етилади. Иккун шароитининг иссиқроқ бўлиши миришкорларга ҳам қўл келди. Виллоятнинг барча туманларидан бошланган ғалла ўрими авж паллада. Айрим туманлардаги ғаллакортлар аллақачон хирмонларни тўлдириб, дон сотиш шартнома режасини бажарди.

Ангор тумани ана шундай етакчилар қаторида. Туманда бу йил 5 минг 650 гектар ер майдонга ғалла экилиб, 16 минг 21 тонна, шундан 6 минг 316 тонна товар дон ва 9 минг 705 тонна уруғлик дон олиш режалаштирилган эди. Ўз вақтида олиб борилган агротехник тадбирлар сабаб 6 минг 317 тонна товар дон сотилиб, режа ортиғи билан бажарилди. “Замин Ангор кластер” МЧЖ,

“Саидносирхон”, “Ангор Хомкон миришкори”, “Хомкон миришкор деҳқонлари”, “Хонназаров Зафар”, “Равшанбек полвон Ангор”, “Қорақир томчилари”, “Ўқтамбек Суннатбек” каби фермер хўжаликлари ҳар гектардан 75-80 центнердан ҳосил олишга эришди.

Фермерлар даромади ҳам шунга яраша бўлмоқда. Ахир, Президентимизнинг жорий йил 28 майдаги “Ғаллани етиштириш ва сотишда бозор тамойилини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги тарихий қарори билан юртимизда 1 июндан бошлаб илк бор ғаллани давлат томонидан сотиб олиш ва сотишда бозор нархларига ўтилди. Қарор билан давлат ресурслари учун сотиб олиннадиган 1 тонна бугдой нархи ўтган йилдаги 1 миллион 550 минг сўмдан жорий йил ҳосили учун 3 миллион сўмга, яъни 2 баравар оширилди.

Бу имкониятлар фермер ва кластерларнинг иштиёқини янада оширяпти. Шу кунларда туманда ғалла ўрим-йғими қизғин давом этмоқда. Кластер ҳамда фермер хўжаликлари томонидан яна 9 минг 705 тонна уруғлик ҳамда биржа савдолари орқали 5 минг тонна қўшимча сара дон сотиш режалаштирилган. Юқоридаги қарор билан ғаллачилик кластерлари ва фермерларга бугдойни бозор нархида тулик эркин сотиш ҳуқуқи берилгани боис, миришкорларнинг даромади ҳам бир неча баробар юқори бўлиши кутилмоқда. Яъни фермерлар бу йил ўзи етиштирган ғалланинг давлат режасига топширгангидан қолган қисmini биржа савдолари орқали эркин нархларда сотмоқда.



Ўза Суратлари.

Кластерлар — асосий таянч

Озиқ-овқат хавфсизлиги, бозорларда нарх барқарорлигини таъминлаш бугун дунё халқларини бирдек уйлантираётган вақтда қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг асосий локомотивига айланди. Ғаллачилик эса мазкур соҳанинг энг муҳим тармоқларидан биридир. Дон ва ун маҳсулотлари аҳолининг бирламчи озиқ-овқат эҳтиёжлари сирасига кириди. Шу боис, ғалла ҳосили қанча мўл бўлса, дастурхонларимиз шунча тўкин бўлади. Юртимизда ғаллачилик тармоғининг

кластерлашиб бораётгани ҳам ҳосилдорликни ошириш, арзон ва сифатли маҳсулот етиштиришга хизмат қилапти. Биргина Сурхондарё вилоятида бугунга қадар қишлоқ хўжалигининг турли тармоқларида 500 га яқин кластер ва кооперация фаолияти йўлга қўйилди. Термиз туманидаги “Indenim Cluster” ғалла кластери мисолида оладиган бўлсак, мазкур тизим худуддаги ўнлаб фермер хўжаликларини ўзида бири-лаштириб, ғалла уруғини ерга қадашдан то ҳосилни йиғиб олиб, сотишгача бўлган жараёнларда бош-қош бўлмоқда. Кластер арготадбирлар давомида ҳам ғаллакорларга зарур минерал ўғит,

ёқилғи-мойлаш материаллари, иш ҳақи ва бошқа моддий ресурсларни ўз вақтида етказиб берди. Натижада тумандаги деҳқон ва фермерлар белгиланган 5 минг 333 тонна ғалла режасини ортиғи билан бажарди.

Барча фермер хўжаликлари ғалла хирмониға муносиб ҳисса қўшяпти. Айниқса, ҳар гектардан 77-78 центнердан ҳосил олган “Анвар Дўстлик”, “Шароф Моҳирун”, “Фарҳодбек Янгиарик” каби фермер хўжаликлари алоҳида қайд этиш лозим.

Бугун Термиз туманида ҳам бошоқли донни ўриб-йиғиб олиш давом этмоқда. Ғалабадан рухланган деҳқонлар пахтачилик ва бошқа соҳаларда ҳам юқори натижаларга эришиш учун астойдил меҳнат қиляпти.

Қарорлар қандай ишляпти?

Бугунги тараққиёт асри анъанавий ёндашувлардан илғор технологияларга ўтишни талаб этади. Бу иш жараёнини бир неча баробар енгиллаштириб, кўпроқ ҳосил олишни таъминлайди.

Тараққиёт стратегиясида қишлоқ хўжалигини илмий асосда ва интенсив ривожлантириш орқали деҳқон, фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш вази-фалари белгиланган. Бу соҳани энг замонавий ва тежамкор технологиялар асосида ривожлантиришни фаол давом эттириш зарурлигини аңлатади.

Сурхондарё вилоятида ҳам бу борадаги ишлар кўлами кенгайиб борапти.

г) талабалар ўқишини республикада фаолият юритаётган хорижий ва нодавлат олий таълим ташкилотларидан:

давлат олий таълим муассасаларининг мос ва турдош таълим йўналишларига кўчириш мазкур банднинг “а” кичик бандида назарда тутилган тартибда;

давлат олий таълим муассасаларининг мос ва турдош бўлмаган таълим йўналишларига кўчириш ўрнатилган тартибда, тегишли бакалаврият таълим йўналиши учун белгиланган табақалаштирилган тўлов-контрактнинг минимал миқдорига тенг бўлган бир марталик тўлов асосида амалга оширилади;

д) спорт мусобақалари ғолиби сифатида имтиёз билан олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинган ҳамда кундузги таълим шаклида тахсил олаётган талабаларнинг ўқишини уларнинг аризаларига мувофиқ, сиртки таълим шаклидаги мос ва турдош таълим йўналишига (сиртки таълим шакли мавжуд бўлган тақдирда) давлат гранти асосида кўчиришга рухсат берилади.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари давлат олий таълим муассасаларига кириш тест синовларини хавфсизлик талабларига тулик амал қилган ҳолда юқори савияда ташкил этишга шахсан масъул этиб белгилансин.

9. Белгилансинки:

давлат олий таълим муассасаларига давлат буюртмаси параметрлари доирасида грант асосида бакалаврият ва магистратурага ўқишга қабул қилинган шахсларни ўқитиш харажатлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

республикада фаолият юритаётган хорижий ва нодавлат олий таълим ташкилотларида кадрлар тайёрлаш учун ажратиладиган давлат гранти Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буюртмасига кўра 2022 йилда Молия вазирлиги томонидан қўшимча равишда молиялаштирилади, 2023 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартариш ва қўшимчалар киритилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг базми қарорлари 3-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Х.Тошқулов ҳамда Давлат тест маркази директори М.М.Каримов белгилансин.

Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН РУҲИ



Абдуҳалил МАВРУЛОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

нисбатан тўғри ташхис қўйишни бугунги энг муҳим вазифалардан бири сифатида эътироф этиш мумкин.

Шубҳасиз, бу саволларга жавоб бериш жуда қийин. Бу масалада ҳар кимнинг ўз фикри, мулоҳазаси бор. Шу жамиятда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлмаган бир фуқаро сифатида айна шу масалаларга нисбатан менда ҳам баъзи мулоҳазалар етилди. Келинг, шулар ҳақида фикр юритсак.

Менинг назаримда бугунги Ўзбекистоннинг янада ривож топиши, ислохотларимизнинг самараси икки муҳим ижтимоий ҳодисанинг қай даражада амалга ошишига боғлиқ. Улардан бири фуқароларимиздаги **ижтимоий сафарбарлик** бўлса, иккинчиси ҳар биримизнинг юксак фуқаролик позициямизга дахлдордир. Хўш, ижтимоий сафарбарлик, деганда нима-ни тушуниш мумкин? **Ижтимоий сафарбарлик жамиятнинг барча фуқаролари томонидан ўз миллати ва мамлакати тақдири учун масъул эканини онгли равишда анлаган ҳолда, ўзидаги барча имкониятлар, билим, тажриба, ма-лакаларни ягона мақсад йўлида жамлай олиш, уларни эзгу мақсадларга эришиш сари сафарбар этиш кўникмасидир.**

ИЖТИМОИЙ САФАРБАРЛИК ВА ФАОЛ ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИ

Бошланиш 1-бетда

Ҳа, биз бугун маррани жуда баланд олдик. Бошқа йўл бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Чунки замоннинг шиддати, жаҳонда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларнинг ривожланиш эволюцияси шуни тақозо этмоқда, халқро ҳамжамиятнинг бугунги ҳолати шуни талаб қилмоқда. Бошқача айтганда, инерция билан ишлаш бизнинг миллий манфаатларимизни амалга оширишга халақит қилиши мумкин. Ҳар бир соат, ҳар бир кундан самарали, унумли фойдаланиш биз учун сув ва ҳаводек зарур.

Энг муҳими, ана шу ҳақиқатни халқимиз сезиб турибди. Мамлакат раҳбари томонидан тақлиф этилаётган ривожланишнинг устувор йўналишлари рўёби йўлида қилинаётган барча саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Дарҳақиқат, Президентимиз таъкидлаганидек, бугун юртимизда эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш, инсон қадрини юксалтириш орқали халқпарвар давлатни барпо этиш, мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш, миллий иқтисодиётни, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасига олиб чиқиш, ҳеч шубҳасиз, ўзининг самарасини бермоқда.

Қолаверса, адолатли ижтимоий сиёсат юри-тиш, инсон капиталини ривожлантириш, маъри-фатли жамиятнинг барпо этиш, бугунги кунда ин-соният, шунингдек, халқимиз дуч келаётган умум-башарий муаммоларга ўз миллий манфаатлари-миздан келиб чиққан ҳолда ечим топиш йўлидаги интилишларимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам муносиб эътироф этилмоқда. Буларнинг бари аксиома. Эришилган ва эришилаётган ютуқлари-мизнинг бирортасини инкор этиш мумкин эмас. Бу адолатдан ҳам бўлмайди.

“АҚЛИИ ИНСОН ҲЕЧ ҚАЧОН ЎЗИНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИДАН ҚОНИҚМАСЛИГИ КЕРАК. БУЮК АЛЛОМАЛАРИМИЗ ТАЪКИДЛАШИЧА, ИНСОНДАГИ ЎЗИНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИДАН ҚОНИҚИШ ҲИССИ БУ ДУНЁДАГИ БАРЧА ЯРАМАС ИЛЛАТЛАР МАНБАИДИР. АНА ШУ ҲОЛАТ БАРЧАМИЗНИ ҲАРАКАТ ҚИЛИШГА, ЯРАТИШГА, ЎЗИМИЗНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА УНДАЙДИ, РАҒБАТ БЕРАДИ.

Аmmo эришилган бу ютуқлару қўлга киритил-ган натижалар бугун бизни тўлиқ қонқитира ола-дими? Албатта йўқ. Маълумки, инсон табиати, унинг руҳияти доимо ўзгаришга, такомиллашувга мойил. **Ақли инсон ҳеч қачон ўзининг бугун-ги ҳолатидан қониқмаслиги керак. Буюк алло-маларимиз таъкидлашчи, инсондаги ўзининг бугунги ҳолатидан қониқш ҲИССИ БУ ДУНЁДА-ги барча ярамас иллатлар манбаидир. Ана шу ҳолат барчамизни ҳаракат қилишга, яратишга, ўзимизни такомиллаштиришга ундайди, рағ-бат беради.**

Келинг, яхши-си, ана шу масалалар бўйича ўзимизнинг аҳли-и субъектив фикрларимизни баён этайлик. Барчамиз, бутун жамият юртимизда содир бўлаётган ислохотлардан қониқш ҳосил қилиб турган бир пайтда, айрим ҳудудларда адо-латсизликлар юз бераётгани, булар эса, халқи-мизнинг ҳақли норозиликларига сабаб бўлаётгани бор гапку.

Мамлакат раҳбари томонидан яхши ва эзгу ниятлар билан маҳаллаларда ҳоким ёрдамчиси лавозими жорий этилишини халқимиз хурсанд-лик билан қутиб олди. Лекин бундай лавозимда-ги айрим номуносиб шахсларнинг ўз манфаати йўлидаги ноқўя ҳаракатларини қандай тушуниш мумкин? Ижтимоий тармоқларда тарқалаётган — айрим “тасодиқий” раҳбарлар томонидан содир этилаётган адолатсизликларчи? Жамиятда рўй бераётган айрим жиноятлар, аҳолимизнинг тур-ли қатламлари томонидан амалга оширилаётган ахлоқсизликлар, маънавий тубанликлар — булар-нинг бири қандай сабаблар натижасида ўз бер-моқда?

Мамлакатимизда ижтимоий адолат тантанаси йўлида юрт раҳбари томонидан амалга оширила-ётган ҳаётий ислохотларга қарамасдан, жамият-нинг бундай ярамас иллатларга қарши ижтимоий нафратига эътибор қилмасдан содир этилаёт-ган салбий ҳолатлар сабабини аниқлаш, уларга

Мамлакат ва миллат ривожланишида шахс-лар, алоҳида ижтимоий гуруҳлар, сиёсий партия-лар, турли ташкилотларнинг ўрни жуда катта. Аммо **том маънодаги ижтимоий тараққиётни ижтимоий сафарбарликсиз тасаввур қилиш қийин**. Тарихда у ёки бу давлатда бутун жамият-нинг ижтимоий сафарбарлиги билан боғлиқ ҳо-дисалар жуда кўп. Масалан, Япония тарихидаги ижтимоий сафарбарлик С.Судзуки (1579-1655) ва Б.Исида (1685-1744)ларнинг таълимотлари асосида амалга оширилди. Собиқ самурай, ҳу-кумат амалдори бўлган Судзуки савдогар фақат даромад олиш учун тижорат билан шуғулланса муваффақият қозонмади, у харидор ва давлат эҳтиёжидан келиб ишламаса иқбол қулиб боқмай-ди, меҳнат қилиш гўёки қушнинг қанотига тенгдир, дейди. **У миллатнинг меҳнатга муносабати ий-мон ва эътиқодга айланишини таъкидлайди. Судзуки ўзига хос япон этикаси қондаларини яратди. Бу этика аҳолини ижтимоий сафар-барликка ундоочи ҳодиса ҳисобланиб, унда барча жамиятлар учун кишиларнинг маъна-вий, диний, иқтисодий эҳтиёжини қондиради-ган японча ахлоқ устуворлик қилар эди.**

Ана шу ахлоқ япон халқини 1945 йилдан сўнг ягона мақсад йўлида жиқслаштирди, бирлаштир-ди. Халқ тушунлиқка тушмади. Аксинча, турли босқинчиликлар, урушлар, зилзилалар, тўфон-лар, атом бомбардирмонлари япон миллатини, жамиятини жиқслаштирган ҳолда модернизация қилишга сафарбар қилди.

Худди шунга ўхшаш сиёсат Дэн Сяопин раҳ-барлигида Хитойда ҳам амалга оширилди. Унинг сиёсати асосини марказлашув, қонуннинг ҳақиқий маънодаги устуворлиги, қаттиқ тартиб-интизом ташкил этди. Дэн Сяопин асосий эътиборни де-мократияни бекорчи сафсаталарга, ульстрадемок-ратизм тарқалишига, жамиятда анархияга, сиё-

сий барқарорлик бузилишига, миллат яхлитлиги барбод бўлишига олиб келмасликка қаратди. Бу вазифаларни, шубҳасиз, ижтимоий сафарбарлик натижасидагина амалга ошириш мумкин эди. Ана шу ижтимоий сафарбарлик туфайли Хитой бугун дунёнинг энг тез ривожланиб бораётган давлатига айланди.

Бундай мисолларни Жанубий Корея, Малай-зия, Сингапур, Жанубий-Шарқий Осиёнинг бош-қа давлатлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу мамлакатларнинг бугунги кундаги тараққиёти асл сабаби ҳам миллат жиқслги, улардаги ижтимоий сафарбарликдан буюк кучида, аслида.

Юртимизда ҳам ана шундай мисолларни кўп-лаб келтирсак бўлади. Масалан, Тумарис, Широқ, Спитамен, Жалололдин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур, Дуқчи Эшон, Мадаминбек, Иброҳим-бек каби халқ озолиги йўлида курашган қаҳрамон-лар том маънода миллатни сафарбар этишнинг рамзи сифатидага майдонга келди. Булар ҳақида гап кетганда Амир Темурни ёдга оламиз. Тенгсиз азму шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу мумтоз сиймо буюк салтанат барпо этиб, дав-латчилик борасида ўзидан жуда ноёб мерос қол-дирди, илму фан, маданият, бунёдкорлик ривожига улкан ҳисса қўшди. Унинг “Темур тузуклари” бугун ҳам миллатга руҳий куч-қувват беради, беқиёс са-фарбарликка ундайди.

Дарҳақиқат, ижтимоий сафарбарлик ўз-ўзидан пайдо бўладиган ҳодиса эмас. Мазкур ҳодиса-нинг пайдо бўлиши ва шаклланиши учун давлат, жамият аъзолари олдида қатор вазифаларни ҳал этиш лозим бўлади. Уларнинг айримлари, бизнинг назаримизда қўйдагилардан иборат: **одамлар жамиятда содир бўлаётган ислохотларга ўзининг дахлдорлик ҳиссини ошириши, турли хил таҳдид-ларнинг кишиларни гўявий жиҳатдан қарама қи-лишга қаратилган ҳаракатларга қарши самарали кураш олиб бориш кўникмаси керак, жамият ол-дида турган мураккаб вазифаларни бажаришда**



фидойи, ватанпарвар ва ўз фикрига эга бўлиши талаб этилади.

Айни пайтда, жамиятда ижтимоий сафар-барликни амалга ошириш учун ҳар бир фуқаро ўзида эҳтиёж сезиши лозим. Бироқ бу эҳтиёж, албатта, жамият томонидан эътироф этилган ижтимоий эҳтиёжга ҳамоҳанг бўлиши шарт. Шунингдек, жамиятда ижтимоий сафарбарлик-ка эришишнинг энг муҳим омилларидан яна бири — давлатнинг ўзи ана шу сафарбарликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши, бундай ҳара-катни рағбатлантириб туриши лозим.

Бугун янги Ўзбекистонда ана шундай уйғунлик муҳити пайдо бўлган. Бир томондан, **юқорида таъ-кидлаганимиз каби, халқнинг ўзи тайёр бўлиши, бошқа тарафдан эса, бу ҳаракат давлат томони-дан қўлланиб турилиши керак.**

Яна бир нарсга эътибор бериш керак, деб ўйлаймиз: ҳар қандай сафарбарлик муайян го-ялар, аниқ мақсадлар натижасида содир бўлади. Агар бундай го-ялар реал кучларга сўянган, илмий жиҳатдан асосланган бўлса, унинг натижасига аввалдан ишонш мумкин бўлади. Шу маънода, **бугунги Ўзбекистонда том маънодаги ижтимоий сафарбарликка эришиш имкониятлари мавжуд**. Бунга, назаримизда, мамлакат раҳбари томони-дан илгари сурилган “Янги Ўзбекистон — Учинчи Ренессанс сари” шиори ва “Халқ манфаати ҳамма нарсадан устун” деган эзгу го-я мисол бўла олади.

Президентимиз “Янги Ўзбекистон стратегия-си” китобида таъкидлагани каби, **муайян халқ ёки давлат ҳаёти учун го-ят муҳим аҳамият касб этадиган бирор-бир феномен ёки у ҳақдаги тушунча ва тамойиллар ўз-ўзидан, осонгина пайдо бўлмайди ва тасодифан дунёга келиб қолмайди. Шу маънода, ҳар қандай ҳодиса, тушунча ёки атаманинг ўзига хос шаклланиш жараёни бор. Янги Ўзбекистон феномени ҳам бундан мустасно эмас. Ушбу тушунча мамла-катимизнинг замонавий маънавий қиёфасини шакллантириш, юртимизда демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, Учин-чи Ренессанс пойдеворини яратиш борасидаги ислохотларимизнинг таянч го-ясини ифода эта-ди. Ана шу го-я асосида юртимизда “Янги Ўзбе-кистон — Учинчи Ренессанс сари” деган шior илгари сурилаётгани ҳам бежиз эмас.**

Бугун барчамизни юксак марралар сари ун-дайдиغان, олдимизга қўйган олий мақсадларга етаклайдиган ана шу го-я, шубҳасиз, бизни ижти-моий сафарбарликка қорлайди. Ижтимоий са-фарбарлик лоқайд, ўзининг мустакил фикрига эга бўлмаган, беҳафсала кишиларни уйғотайди, улар-да мамлакат ва миллат тақдирига масъул экани билан боғлиқ туйғуни шакллантиради. Биз агар бугун оруз қилаётган янги Ўзбекистон, Учинчи Ре-нессанс го-яси мазмун-моҳиятини билмас, миллий тараққиётимизнинг янги даврига қадам қўйётгани-мизни англамас, тарих бизга ўз мақсад-муроди-мизга етишимиз учун улкан ва янги имкониятлар яратиб берганини эътиборга олмас эканмиз, ҳеч қандай сафарбарлик ҳақида ўйланнинг ҳо-жати қолмайди.

Ижтимоий сафарбарлик аслида **мудроқ қалбларни ҳаракатга келтириш, ухлаётганлар-ни уйғотиш ҳамдир**. Атрофимизда содир бўла-ётган янгиликларни англамаслик, дунёнинг катта шиддат билан ўзгараётганини кўрмаслик аслида ухлаш эмасми? Шу ўринда Буюк Британия бош вазири Маргарет Тетчернинг қуйидаги сўзларини жуда ўринли, деб биламан: **“Мен бошқарув-га битта аниқ уйлаб қийилган мақсад билан киришдим: инглиз жамиятини тўлиқ давлат қарамоғидаги боқимандалик ҳолатидан ўз ке-лажагига тўлиқ ишонган тадбиркор ҳолатига-ча, “ўтирамиз” ва “кутамиз” Англияси ўрнига “уйғон” ва “юр” Англияси ўрнатилиши учун аъянавий “марҳамат қилиб менга берин” дэн “ҳаммасини ўзимиз қиламиз” миллатига-ча уз-гартариш!”**

Бугун биз барчамиз янги Ўзбекистонни барпо этиш орузи билан яшамоқдамиз. Аммо **ўзимизга савол бериб қўрайлик: фақат оруз қилиш билан қўзланган юксак марраларга эришиш мумкинми? Асло мумкин эмас**. Абу Ҳурайра (р.а.) Пайгамба-римиздан (с.а.в.) ривоят қилади: **Набий (с.а.в.) айтди:лар “Аллоҳ таоло сизларнинг суратла-рингизга, молларингизга ва аҳволларингизга қарамайди. Балки амалларингизга ва қалбла-рингизга қарайди”.** (*Ал-Фақиҳ Абу Лайс Ас-Са-марқандий. Танбеҳул гофиллин*).

Дарҳақиқат, яхши яшаш, фаровон турмуши яратиш учун ният ва орузларимизнинг жамият

томонидан қабул қилинган, давлат томонидан ил-мий асосланган ижтимоий мўлжалларга мутано-сиблигини таъминлашимиз муҳимдир. Қолаверса, бугунги янги Ўзбекистон орузсини реал кучга ай-лантиришимиз, олий мақсадларга эришиш йўлида ўзимизни сафарбар қилишимизни учун қатор вазифаларни адо этишимиз лозим.

Масалан, бугун бутун дунё жаҳоний, гло-бал муаммолар устида бош қотираётган, шу муаммоларни тезроқ ва сифатлироқ ҳал этиш-га уринаётган бир даврда айрим ватандошла-римиз тафаккур тарзи бутун жамият “оёғини пастга тортиш”дан иборат бўлган маийшй ма-салалар билан банд бўлаётганини қандай ту-шуниш мумкин?

Тўйларимизда неча килограмм ош дамлага-нимиз, неча “гап”га аъзо эканимиз, бу маъра-кага қайси санъаткорлар келгани каби майда нарсалар билан овора бўлган халқни жамият ва миллат олдида турган мураккаб масалалар-ни ҳал этишга сафарбар этиш, ўнинг ижтимоий аҳамиятини ошириш учун қандай тадбирларни амалга ошириш лозим?

Афсуски, бу саволларга ўтган асрнинг 20-йил-ларида жадид боболаримиз жавоб топиши қийин бўлгани каби, бугун ҳам унинг уддасидан чиқиш осон бўлмаяпти. Ижтимоий сафарбарлик одамлар “майда” тафаккур тарзидан қутилиши, ўзини қий-нашни талаб этади. Кейинги йилларда одамлар-нинг ҳаёт даражаси, Ватан тақдирига масъулият ҳисси, эртанги кунга ишончи тобора ортиб бора-ётгани, жамиятимизда демократия тамойиллари, очкилик ва эркинлик муҳити чуқур қарор топаётга-ни ҳақида адолатли фикрлар билдирилмоқда. Бу ҳақда хорижий экспертларнинг ихобий хулосалари ҳам барчамизда ифтихор туйғуларини уйғотмоқда. Бироқ ҳали бу борада барча муаммолар ҳал этил-ди, дейишга эрталигини сезиб турибмиз.

Дарҳақиқат, Президентимиз Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ва бунёдкорлик ишлари натижадорлигини янада ошириш, халқимиз онгу тафаккури ва дунёқарашини кенгайтириш мақсадида маърифатли жамиятни барпо этиш бўйича ташаббус билан чиқди.

Хўш, маърифатли жамиятнинг мазмун-моҳия-тини нима ташкил этади? Қўрилажак ана шундай жамият туфайли пировард натижада нимага эри-шамиз? Аслида, инсоният доимо маърифатли жамият барпо этиш йўлида заҳмат чеккан. Бироқ унинг уддасидан чиқиш жуда оғир кечган. Бугун мамлакатимизда маърифатли жамиятини барпо этиш имконияти бизга берилди. **Биринчидан**, бу-гунги Ўзбекистон шароитида маърифатли жами-ятни яратиш ижтимоий заруратга айланди. Одам-ларимизда жамиятда баъзан учраб турган турли зарарли одатлар, аъянага айланиб қолаётган салбий ҳолатларга қарши муносабат шакллан-моқда. **Иккинчидан**, бугунги дунёда содир бўла-ётган воқелик, халқро муносабатлардаги зидди-ятли ҳолатлар, манфаатлар тўқнашуви кучайиши жамиятнинг яхлит организмга айланишини тақозо қилмоқда. Энг муҳими, **учинчидан**, бугун давлат-нинг ўзи маърифатли жамиятни шакллантириш-дан манфаатдор бўлмоқда.

Гап шундан иборатки, тарихда сиёсий ҳокими-ятлар ҳар доим ҳам маърифатли давлат ва жамия-ятни барпо этишдан манфаатдор бўлмаган. Чунки маърифатли жамият инсонларнинг онгу тафакку-рини кенгайтириш, эркин, очиқ сиёсат муҳитини яратиш, дунёвий дунёқарашини шакллантиришни тақозо этади. Бу эса жамият аъзоларининг сиёсий ҳокимиятга нисбатан муҳолифатлик кайфиятини оширади.

Бироқ янги Ўзбекистонда сиёсий раҳбари-ят ўз мақсад-муддаоларини халқдан яширгани йўқ. Аксинча, амалга оширмоқчи бўлган ҳар бир ҳаракат халқнинг бевосита иштирокида муҳокама қилинмоқда. Шу нуқтаи назардан, бугун Ўзбекистонда халқ ва давлат ижтимоий мўлжаллари уйғунлиги ҳолати яққол кўзга ташланмоқда. Бу эса, шубҳасиз, маърифатли жамиятни барпо этишни реал воқеликка ай-лантирмоқда.

Маърифатли жамият янги маънавий маконда юз беради. Ана шу маконнинг шаклланиши эса жамиятда ижтимоий сафарбарлик натижасида со-дир бўлади. Биз юқорида айтганимиз каби, ижти-моий сафарбарлик қўллаб омиллар натижасида юзага келади. Бироқ ушбу феноменни том маъно-да ҳаракатга келтирувчи куч, бу — ҳар биримиз-нинг Ватан олдидаги масъулигимиз, қалбимиз, юрагимиз, онгу шууримиздаги Ватанпарварлик туйғусидир.

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА СИЁСИЙ РАҲБАРИЯТ ЎЗ МАҚСАД-МУДДАОЛАРИНИ ХАЛҚДАН ЯШИРГАНИ ЙЎҚ. АКСИНЧА, АМАЛГА ОШИРМОҚЧИ БЎЛГАН ҲАР БИР ҲАРАКАТ ХАЛҚНИНГ БЕВОСИТА ИШТИРОКИДА МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА. ШУ НУҚТАИ НАЗАРДАН, БУГУН ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚ ВА ДАВЛАТ ИЖТИМОИЙ МЎЛЖАЛЛАРИ УЙЎНЛИГИ ҲОЛАТИ ЯҚҚОЛ КЎЗГА ТАШЛАНМОҚДА. БУ ЭСА, ШУБҲАСИЗ, МАЪРИФАТЛИ ЖАМИЯТНИ БАРПО ЭТИШНИ РЕАЛ ВОҚЕЛИККА АЙЛАНТИРМОҚДА.

Бу ҳақда Ватан туйғусини ҳамма нарсадан ҳам баланд қўйган ҳассос шоиримиз Ҳамид Олимжон шундай деган: **“Қадим ўзбек ботирлари узоқ сафарга кетганда бир ҳовуч Ватан тупроғини доимо ўз ёнида олиб юрганлар. Чунки бу тупроқ уларга тугилган ерларини эслатиб турган, халқ олдида ичган қасамини ёдига солган. Ватанга бўлган муҳаббатини бир нафас ҳам унуттирмаган. Бу бир ҳовуч тупроқ унга ўз ота-онаси, қариндошлари, халқини эслатган, узоқ ўлкаларда бўлса ҳам, уни ўз Ватанида ҳис қил-дирган ва қаерда бўлмасин, ўз халқи шаънига иснод келтирмасликка, ўз халқининг номусли ва содиқ ўғли бўлишга чақирган”**.

1231 йили баланд тўғ устидаги қурднинг қул-басида мудраб ўтирган сўғи Хоразмишох Жало-лиддин Мангубердини номард бир курд орқасидан илпондек суварилиб келиб шахид қилади. Шохона либосдаги бу кишининг катта бойлиги бор, деган илнжда у шахидни тинтиб кўради. Қўйнидан чарм халтачани топиб олғач, унинг қонга тўлган қўзлари қувончдан порлайди. Хоин дарҳол очиб кўради-ю ҳафсаласи пир бўлади. Халтачада фақатгина бир сижим тупроқ бор эди. Ҳа, бу Ватаниннг тупроғи, жасур Жалололдинн юртининг бир қисми эди. Сул-тон Жалололдинн бу халтачани ҳамиша юзгаи устида асраб юрган. Оқибатда султон Жалолид-дин шу тупроқ, шу Ватан учун жон фидо қилди. (Бердимуродов А. Ватан ҳақида муножот. — Тош-кент, 2020. -18-бет).

Дарҳақиқат, Ватанин оғизда эмас, бутун вужу-ди билан, тани-жони билан севган одамдан сотқин чиқмайди. Ватан равнақи, эл-юрт келажаги учун жон фидо қилади, ўзини улкан ишларга сафарбар этади. Бугун айрим ватандошларимизга ана шу сафарбарлик, аниқроғи, ижтимоий сафарбар-лик етишмаётгани ҳам айна ҳақиқат. Бугун “Янги Ўзбекистон — маърифатли давлат”, деган шior кун тартибига қўйилган. Бу дегани, маърифатли жамиятни барпо этиш оддий шior эмас, у давлат-нинг энг олий мақсадларидан бирига айланмоқда. Мамлакат раҳбари таъкидлагани каби, ушбу соҳа-да амалга оширган ишларимиз жамиятимизни янги босқичга қўтариш, юксак марраларни эгала-лаш, Учинчи Ренессанс пойдеворини қуришга хизмат қилаётгани ҳозирнинг ўзида яққол намоён бўлмоқда.

Ижтимоий сафарбарлик, шубҳасиз, жамиятни ўзгартириб юборади. Аммо бу жараён, юқорида бот-бот таъкидлаганимиз каби, ўз-ўзидан бўла-диган вазифа эмас. Бунинг учун яна бир муҳим масалани ҳал этиш лозим. **Бу — жамиятимизнинг ҳар бир аъзосида фаол фуқаролик позициясини шакллантириш билан боғлиқ**. Хўш, буни қандай тушуниш лозим? Кимни фаол фуқаро деб тан олиш мумкин? Биз қўпинча фаоллик деганда уни бирёқлама тушунамиз. Ўз тирикчилик дардида тинмай ҳаракат қилган, ўзини ўқдан чўққа урган инсонларни фаол инсонлар сифатида тан оламиз.

Шубҳасиз, бу гапда хато йўқ. Бироқ масалага фақат шу тахлитда ёндашув “фаол инсон” фе-номенини енгил тушунишга олиб келади. **Наза-римизда, фаол инсон фақат ўзининг шахсий манфаатларини йўлида тиниб-тинмай ҳаракат қилган эмас, айна пайтда, ўз мақсад-муддао-ларини жамият ва давлат манфаатлари билан уйғунлаштира олган кишилардир. Ҳа, ўз ман-фаатларини Ватан манфаатлари, шу жамият-нинг барча аъзолари тақдир билан боғлай олишдан ҳам қийин иш йўқ.**

Бу йўлда ҳаммамизга кучли ирода, зўр ғайрат ва мустаҳкам иймон ёр бўлсин, дея биринчи мақо-ламизга нукта қўямиз. Қолган гапларни иккинчи мақоламизда мухтасар қилсак, иншааллоҳ.



ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

ХУСУСИЙ МУЛК ДАХЛСИЗЛИГИ
КАФОЛАТЛАРИ ЯНАДА
КУЧАЙТИРИЛИШИ КЕРАК

Дилшод ШОУМАРОВ,
ЎзЛиДеП Сиёсий Кенгаши
Ижроия қўмитаси раиси
ўринбосари



Бошланиши 1-бетда

Шундай бўлса-да, республикамизда тадбиркорларнинг мулкка доир ҳуқуқлари бузилиши билан боғлиқ ҳолатлар оз эмас. Адлия вазирлиги маълумотларига кўра, 2016-2019 йилларда давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкалари олиб қўйилиши муносабати билан 6 минг 479 та мулк бузилган.

Бу борада ЎзЛиДеП тузилмалари, депутатлик гуруҳларига ҳам мулк ҳуқуқлари бузилишига доир мурожаатлар бўлди. Ваҳоланки, мамлакатимизда мулкдорлар ҳуқуқларини таъминловчи қатор қонун ҳужжатлари бор.

Бироқ бугунги давр хусусий мулк дахлсизлигини, ҳимоясини кафолатлаш, унинг иқтисодиётда ўрни ва аҳамиятини янада ошириш, мулкдорнинг ўз мулкига ўзи эркин эгалик қилиши, фойдаланиши, тасарруф этишини

амалда таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг конституциявий-ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлашни талаб қилапти.

Шу маънода, ЎзЛиДеП тузилмалари ва депутатлик корпуси аҳолининг катта қисмини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш ҳисобида халқ фаровонлигини оширишни ўзининг ўстувор вазифаларидан, деб билади.

ЖАРАЁНДА
ФАОЛЛИК ЗАРУР

Ўзбекистонда бошланган конституциявий ислохотларнинг бир иштирокчиси сифатида олий юридик ҳужжатни такомиллаштириш билан боғлиқ жараёнларни бевосита кузатиб, жамиятимиз, халқимиз муҳим ислохотлар ташаббускори эканига яна бир бор ғувоҳ бўляпман. Ушбу ҳужжатга халқимиз томонидан билдирилаётган ҳар бир таклифга Конституциявий комиссия экспертлари томонидан тезкор муносабатлар билдирилиши, ҳар бир ғоя муаллифининг номма-ном эътироф этилиши ва энг муҳими бу жараённинг очиқ-ошкора ва шаффоф ташкил этилгани муҳим демократик қадамдир.

Феруза
МУҲАММАДЖОНОВА,
“Миллий тикланиш”
демократик партияси раиси
ўринбосари



Эътиборга молик жиҳати шундаки, бу тарихий жараёнда нафақат мамлакатимизда истиқомат қилаётган халқимиз, балки чет элда яшаётган ёки таълим олаётган ватандошларимиз ҳам фаол иштирок этмоқда. Ҳуқуқий-сиёсий ҳужжатдаги янгиликларни халққа етказишда ахборот коммуникация технологияларидан унумли фойдаланилаётгани, уйлайманки, ҳар бир фуқарога бу менинг конституциям, деб эътироф этишига замин ҳозирлайди.

Ушбу омиллар Конституцияни такомиллаштириш жараёни қонун қабул қилишнинг энг ибратли намунаси бўлиб қолади, деб ўйлайман. Такдидлаш жоизки, шу пайтга қадар “Миллий тикланиш” демократик партияси ўз сайловолди дастуридан келиб чиққан ҳолда такдим этган илк таклифларининг Конституциявий комиссия томонидан маъқуллангани партия электорати, сайловчиларимиз, депутатларни руҳлантиради.

Партиянинг тарихий, маънавий ва маданий мерос давлат муҳофазасида бўлишини таъминловчи, оилавий қад-

риятларни мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор ташаббуслари Конституциянинг 49, 63, 65-моддаларида акс эттирилишини назарда тутди. Айни кунда таклифларни янада сайқаллаш жараёни қизгин кечмоқда. Бу борада партиянинг Ёшлар ва Аёллар қанотлари ҳам жойларда халқ билан яқиндан мулоқот қилишга киришган.

Энг муҳими, бугун анча йиллардан буён долзарб масала бўлиб келган сайловчининг саволларига жавобимиз бор. Тарихий, маънавий ва маданий мерос давлат муҳофазасидадир, давлат ва жамият миллий қадриятлари ва ўзига хос хусусиятларини сақлаб қолишини ҳимоя қилиш, Ўзбекистон халқининг маданий меросининг келгуси авлодларга безавол етказиш ҳақида ғамхўрлик қилади, деган таклифнинг қўпчилик Комиссия аъзолари томонидан маъқулланиши миллитимиз ўзлигини асраш борасидаги муҳим ташаббусдир. Ушбу таклиф Учинчи Ренессанс пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

“Ҳеч бир шахс ўз мулкидан суднинг қарорисиз маҳрум этилиши мумкин эмас, мулкни жамоат эҳтиёжлари учун бошқага ўтказиш мажбурий равишда қонунда назарда тутилган истисно ҳолларда ҳамда унга мулкнинг ўрни олдиндан ва тенг миқдорда қопланган тақдирда амалга оширилиши мумкин”.

Ҳар қандай давлатда хусусий мулк ва мулкдор ҳуқуқи ишончли кафолатланмаса, мулкдорнинг ўз меҳнати самараларига ишонсизлиги ортиб, ташаббускорлиги сусаяди. Бу эса, тадбиркорлик ривожига салбий таъсир кўрсатади. Зеро, ҳар қандай мулкдор қонуний йўл билан қўлга киритган ёки яратган ўз мулкнинг дахлсизлиги таъминланиши ва ишончли кафолатланишини хошлайди. Тадбиркорлик мамлакат ривожини ҳаракатлантирувчи қудратли куч ҳисобланади.

Шу нуктаи назардан, амалдаги Конституциядан қуйидаги норма ўрин олиши мақсадга мувофиқ, деган фикрдамиз: “Ҳеч бир шахс ўз мулкидан суднинг қарорисиз маҳрум этилиши мумкин эмас, мулкни жамоат эҳтиёжлари учун бошқага ўтказиш мажбурий равишда қонунда назарда тутилган истисно ҳолларда ҳамда унга мулкнинг ўрни олдиндан ва тенг миқдорда қопланган тақдирда амалга оширилиши мумкин”.

Асосий қонунизмизга киритилаётган мазкур ўзгариш, бизнингча, хусусийлаштириш жараёнларининг ижобий суръатларда боришига, хусусий мулкдорлар синфи янада ўсиши ва ривожланиши, миллий иқтисодиётда чуқур институционал ўзгаришларни амалга ошириш жараёнида молиявий ресурслар қўламини кенгайтиришга шарт-шароит яратди. Энг муҳими, хусусийлаштириш жараёнини янги, янада юқори ривожланиш босқичига олиб чиқиш имконини беради.

ҚАТОР ТАКЛИФЛАР ИШЛАБ ЧИҚИЛМОҚДА

Акбар АХТАМОВ,
“Миллий тикланиш”
демократик партияси
Самарқанд вилоят
кенгаши раиси



Салкам уч минг йиллик тарихга эга Самарқанд ўзининг бой маданий мероси билан нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунёда ҳам катта мавқега эга. Сўнгги йилларда халқимизнинг қўп асрлик тарихий дурдоналари, қадимий обидалари ҳамда муқаддас қадамжолари қайта тикланиб, обод масканларга айлантирилди.

Уларни бугунгидек ҳолатда сақлаш ва келажак авлодларга ҳам безавол етказишда Конституцияимизнинг 49-моддасида белгилаб қўйилган “Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини

сиятларини сақлаб қолиш ҳамда келгуси авлодларга ҳам безавол етказишга ғамхўрлик қилади”, деган қўшимча билан янада бойитиш ёки Асосий қонуни-

авайлаб асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир”, деган норма муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Мен “Миллий тикланиш” демократик партияси фаолиятида мазкур нормани “Давлат халқимизнинг миллий қадриятлари ва ўзига хос хусусиятларини сақлаб қолиш ҳамда келгуси авлодларга ҳам безавол етказишга ғамхўрлик қилади”, деган қўшимча билан янада бойитиш ёки Асосий қонуни-

Шу кунларда Ватанимиз ва ўз тақдирига бефарқ бўлмаган юртдошларимиз Бош қонунизмизга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан жуда кўплаб таклифлар билдирапти. “Миллий тикланиш” демократик партияси фаоллари ва депутатлари ҳам партиянинг ғоя ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, Конституцияимизни янада такомиллаштириш бўйича қатор таклифларни илгари сурмоқда.

мизга янги норма киритиш тарафдориман.

Чунки халқимизнинг бугуни ва келажак учун аждодларимиз қолдирган бой маънавий мероси қанчалик аҳамиятли бўлса, ёш авлод камолотида миллий қадриятлар, аънаолар ҳам шунчалик муҳимдир.

Тарихий обидаларимиз, муқаддас қадамжоларимиз бутун дунёга ота-боболаримиз куч-қудратини, ақл-заковатини кўз-кўз қилса, қадриятларимиз, аънаоларимиз эса, аждодларимиз турмуш тарзини ва ўзига хос хусусиятларини намоён этиб, фарзандларимизни миллийлик руҳида камолга етказишда бекиёс ўрин тутди.

ҲАЁТИМИЗ КАФОЛАТИ

Ғофуржон ЮСУПОВ,
“Миллий тикланиш”
демократик партияси
Хоразм вилоят кенгаши
раисининг биринчи
ўринбосари



Асосий қонунизмизга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хусусида сўз борар экан, Ўзбекистон Конституцияси халқимизнинг мустақиллик сари узоқ йўлдаги изланишлари натижаси эканига қомил ишонч ҳосил қиламиз.

Бугунги Ўзбекистон Конституцияси қадимги Хоразм ва Сўғдиёна, қорахонилар, хоразмшоҳлар, Амир Темур ва темурийлар, ўзбек хонликлари, маърифатпарвар аждодларимиз, халқимизнинг тарихий аънаолари

ва унинг мустақил давлат ҳақидаги қўп асрли орузсини мужассам этган тўплам ҳисобланади.

Қолаверса, манфаатларимиз ва интилишларимиздан келиб чиққан ҳолда, Асосий қонунизмиз Шарқ ва Ғарб, Жануб ва Шимолнинг 100 дан ортиқ мам-

лақати тўплаган илғор конституциявий тажрибани ҳисобга олиб яратилган.


Бугун кенг жамоатчилик орасида муҳокамага сабаб бўлаётган, қўпчиликнинг талаб ва истакларини жамлаётган Конституцияга таклифлар олиш жараёни қизгин давом этмоқда. Партия тизимида ҳам мазкур масалалар муҳокамага бағишланган бир қатор тадбир, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Шу ўринда мен ҳам Халқ депутатлари Урганч туман кенгаши депутати сифатида ушбу жараёнларда фаол иштирок этиб, ўз таклифларимни илгари сурдим. Жумладан, Конституциявий комиссия йиғилишида қайд этилган бир қатор таклифлар орасида тарихий, маънавий ва маданий мерос давлат муҳофазасида бўлиши, давлат ва жамият миллий қадриятлари ва ўзига хос хусусиятларини сақлаб қолишини ҳимоя қилиши, Ўзбекистон халқ маданий меросининг келгуси авлодларга

безавол етказиш ҳақида ғамхўрлик қилишини Конституцияда муҳраб қўйиш таклифини қўллаб-қувватлайман.

Бойси, бугунги кунда мавжуд маданий мерос объектларини асраб-авайлаш, аввало, ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз ва шу юрт фарзанди сифатида келгуси авлодларга етказиш, тарих қадриятларини қўлдан чиқармаслик барчамизнинг бирдек масъулиятли вазифамиздир. Ўйлайманки, муҳокама жараёнларида ушбу таклифлар ҳам инobatта олинди ва Бош қонунизмизда ўз аксини топади.

Хулоса қилиб айтганда, Конституцияни ишлаб чиқиш, муҳокама этиш ва қабул қилиш жараёни давлатни давлат, миллиятни миллият сифатида дунёга танитадиган ҳуқуқий асос бўлишига, халқимизнинг иродасини акс эттириши билан ҳам аҳамиятли ҳисобланади ва узоқ йиллар фаровон ҳаёт кечирishiмизга замин ҳозирлайди.

АСОСИЙ
ҚОНУНИМИЗДА
МУСТАҲКАМЛАБ ҚЎЙИШ ЎТА МУҲИМ

Антик дунёнинг машҳур олимларидан бири Пифагор “Хусусий мулки бўлмаган одам беватандир”, деб таъкидлаган эди. Хусусий мулк ҳақида сўз кетар экан, беихтиёр ўтган асрдаги қатагон даврлари ёдга тушади. Одатда қатагон, деганда биз кўпроқ халқимизнинг зиёли қатлами турли хил бўхтон тўхматлар билан ноҳақ қамалгани, отилгани ёхуд сургун қилингани ҳақида гапирармиз.

Эркин ХОЛМАТОВ,
ЎзЛиДеП Жиззаҳ виллоят
кенгаши раиси, Халқ
депутатлари виллоят
кенгашидаги партия
депутатлик гуруҳи раҳбари



Энг ачинарлиси, инсон “давлат” деб аталмиш машинанинг бор-йўғи бир мурвати, деб қаралди. Бундай кезлар “Инсон қадри”, деган тушунча ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди.

Мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ ҳаётимизга бозор иқтисодиёти тамойиллари жорий қилинар экан, хусусий мулкка бўлган қараш ҳам кескин ўзгарди. Мамлакатимизда хусусий мулкни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асоси Конституцияимизнинг 53-моддасида белгилаб қўйилди.

Мамлакатимиздаги етакчи сиёсий куч — Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси дастурида ҳам “Партия нуктаи назарига кўра, мулк эркинлигининг бош шарти, энг муҳим кафолати, инсоннинг бошқа ҳуқуқлари манбаи, фуқароларнинг ҳимояланиш

асосидир”, деб таъкидлаб ўтилган.

Айтиш керакки, хусусий мулкнинг давлат томонидан қонунлар билан кафолатланган ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашдан туриб, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш, иқтисодиётни либераллаштириш қийин кечиши жаҳон амалиётидан яхши маълум.

ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

“Ақлли кампус”дан

Жаҳонда туризм соҳаси барча инфратузилмаларни ривожлантиришга бевоcита ва билвосита таъсир кўрсатадиган ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида гавдаланади. Замонавий туризм транспорт, ижтимоий ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг юқори даражада ривожланишига асосланган бўлиб, бу охир-оқибат уни иқтисодиётнинг юқори рентабелли соҳасига айлантиради.

Алишер ЭШТАЕВ,
Туризм ва маданий мерос
вазирлиги бошқарма бошлиғи,
иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор

Сўнгги йилларда мамлакатимизда туризм соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, мазкур соҳа билан шуғулланувчи корхоналарга имтиёзлар яратиб бериш, шунингдек, соҳада инфратузилмани шакллантириш борасидаги ишлар жадал суръатлар билан давом эттирилмоқда.

Бугунги кунда дунё сиёсати ва иқтисодида, халқаро алоқаларда вуқудга келган воқелик туризм соҳасига кучли таъсир кўрсатиши ва у давлатлараро муносабатларнинг жуда муҳим воситаси бўлиши кераклигини яққол намоён этди. Бинобарин, коронавирус пандемиясидан аввал туризм классик модель бўйича ривожланган бўлса, 2020 йилдан бошлаб дунёнинг қўллаб-мамлakatлари туризм соҳасини ривожлантириш стратегияларини, жумладан, туризм бўйича таълим соҳасини ўзгариштириши қайта қўриб чиқди.

Мамлакатимизда ҳам туризмини ривожлантиришнинг ўз стратегияси ва режалари белгиланган бўлиб: биздаги туризм халқимизнинг бой маданиятини, осори-атиқаларини, халқ амалий

МУВАФФАҚИЯТЛИ КАРЬЕРА САРИ

санъатини, ўзбек таомларини, юртимизнинг бетакрор ва гўзал табиатини дунёга танитишга асосланади. У ўзига хос маданият ва маданий мерос туризмидир. Албатта, юксак савияда хизмат кўрсатадиган меҳмонхоналар, умумий овқатланиш шохобчалари, туроператорлар, гид-ҳамроҳлик хизмати, логистика ва транспорт хизматлари ана шу юксак маданият ва маданий меросга мос равишда ташкил этилиши керак.

Маълумки, туризм соҳасини ривожлантириш Президентимизнинг доимий эътиборидаги масалалардан бири. Мазкур йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳақида гап кетганда, давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ҳам саёҳат, ҳам зиёрат учун қўлай мамлакат эканлиги, соҳани ривожлантириш учун, аввало, инфратузилмани такомиллаштириш лозимлиги, ҳар бир йўналиш бўйича, яъни Европа, Осиё ҳамда бошқа қитъалардан келадиган сайёҳлар учун махсус дастурлар ишлаб чиқиш, ҳаво чартер рейслари ва темир йўллар қатновини кўпайтириш, ички туризмни янада ривожлантириш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасини яхшилаш ҳақида қимматли маслаҳатлар беради. Айниқса, туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тизимини яратиш учун кенг қўламли тадбирларни амалга ошириш лозимлигини ўқитиб келади.

“Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университети мамлакатимиз таълим тизимида юз бераётган ҳаётбахш ўзгаришлар, янгиланишлар, жаҳон таълим стандартларини жорий қилиш жараёнлари билан ҳамқадам. Университет олдида юксак малакали, иқодий фикрлайдиган, билимини узлуқсиз такомиллаштиришга тайёр кадрлар авлодларини тарбиялаш вазифаси қўйилган, бу ўз навбатида, Ўзбекистонда туризмини ривожлантиришга иқодий таъсир кўрсатиши, шубҳасиз.

2018 йилда Хитойнинг Циндао шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари саммитида Президентимиз “Ипак йўли”

туризм халқаро университетини ШХТ давлатларининг туризм таълими таянч университети сифатида ташкил этишни тақлиф қилган эди.

Тарихан қисқа фурсат ичида университет мамлакатнинг энг таниқли ва нуфузли олий таълим даргоҳларидан бирига айланди ва халқаро мақомга эга бўлган биринчи университет номини олди. У ҳақли равишда олий таълим тизимидаги исплохотчи ҳисобланади, зеро у бошлаган ўзгаришлар, исплохотлар тезда ўзини оқлади ва Ўзбекистоннинг бошқа таълим муассасаларида ҳам ҳаётга татбиқ этилди.

Улар орасида: Болонья жараёни модели ва кредит-модуль тизимини таълимда жорий этиш; ўқитиладиган фанлар сонини беш ёки олтитага қисқартириш; 5 кунлик ўқув (талабалар учун) ва 5 кунлик иш (ўқитувчилар ва ходимлар учун) режимини жорий этиш; дарслар давомийлигини қисқартириш (одратдаги 80 дақиқа ўрнига 50 дақиқа) ва амалий машғулотлар сонини кўпайтириш; ўқув жараёнида назарий ва амалий тайёргарликни уйғунлаштиришни назарда тутуви дуал таълим тизимини жорий этиш; тўйторлик тизимини (аввал “эдавайзинг тизими”) яратиш ўз навбатида ўқитувчиларни кураторлик ролидан озод қилди; Талабалар Парламентини ташкил этиш, унда очик ва шаффоф сайловлардан сўнг бир ўқув йили учун талабалар орасидан президент сайланади, у кейинчалик маданий-маърифий фаолият ва талабаларни ҳар томонлама ривожлантириш билан шуғулланади. Университетда ўқув жараёни тўлиқ инглиз тилида олиб борилиб, ушбу жараёнга Осиё, Европа, Америка, умуман, дунёнинг турли давлатларидаги таълим муассасаларидан профессор-ўқитувчилар жалб этилган.

Талабалар жаҳон стандарти талабларига жавоб берадиган “ақлли кампус”да таълим олиб, 20 мингга яқин китобни жамлаган замонавий кутубхона, амалий дарсларни шакллантиришда

ўз ичига меҳмонхона ва ресторанны олган ўқув-амалиёт мажмуасидан, дарсдан бўш вақтида универсал спорт зали ва бассейндан фойдаланишлари мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 30 октябрдаги “Туризм, маданий мерос ва музейшунослик соҳасида малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуқсиз тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан “Ипак йўли” туризм халқаро университети “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университети деб номланди. Эндилиқда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг туризм соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича асосий олий таълим муассасаси мақомидан ташқари, университет маданий меросни бошқариш, музейшунослик каби янги таълим йўналишлари, шунингдек, ушбу соҳаларда илмий ва инновацион тадқиқотлар олиб борадиган илмий муассаса билан “бойитилди”.

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб Шахрисабз, Марғилон ва Хива туризм ва сервис коллежлари негизида Шахрисабз, Марғилон ва Хива туризм ва маданий мерос техникумлари ташкил этилди. Улар маъмурий ва ўқув-услубий жиҳатдан университетга бўйсунди, бундан ташқари, университетнинг биринчи ва иккинчи курслари таълим дастурларига уйғун ўқув режаси билан ишлайди. Бу техникумларнинг энг яхши ўқувчилари университетнинг иккинчи курсидан ўқиниши давом эттириб, олий маълумот олиш имкониятига эга бўлади.

Яқин келажакда университетнинг ўқув, илмий ва амалиёт салоҳияти кескин ошиб, у минтақада ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти мамлакатларининг туризм таълими соҳасидаги флагман олий таълим муассасасига айланади.

2022/2023 ўқув йилидан бошлаб “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университетида таълим йўналишлари сони ошади, улар туризм ва маданий мероснинг асосий йўналишларини

қамраб олади. Жумладан, 2022/2023 ўқув йили учун университетда бакалавриятда менежмент, меҳмонхона ҳўжалиги ва бошқарувини ташкил этиш, туризм, музейшунослик, археология, гид-экскурсовод ва таржима фаолияти, маданий мерос объектларини сақлаш, логистика таълим йўналишлари бўйича, магистратурада логистика (туризм йўналиши бўйича), туризм (фаолият йўналишлари бўйича), музейшунослик, маданий мерос объектларини консервациялаш, реставрация қилиш ва сақлаш, менежмент (маданий мерос соҳаси бўйича), креатив индустрия ва археология мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш режалаштирилган.

Университетга ҳар йили ШХТ, МДХ ва Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар фуқаролари учун давлат гранти асосида магистратурада ўқишга 85 та ўрин ажратилади. 2022-2026 йилларда “Эл-юрт умиди” жамғармасининг нуфузли таълим муассасалари, жумладан, “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университетида туризм, маданий мерос ва музейшунослик йўналиши бўйича докторантура (PhD) ва магистратура дастурлари жорий этилади. Дастур 50 нафар иқтидорли мутахассисни (40 нафари магистратура ва 10 нафари докторантура даражасида) тайёрлашни ўз ичига олади ҳамда университетнинг ёш ўқитувчилари, бакалавр ва магистратура битирувчилари дунёнинг энг етакчи университетларида илмий-тадқиқотлар олиб бориш, диссертациялар ҳимоя қилиш имкониятини қўлга киритади.

Шу маънода айтиш мумкинки, мамлакатимиз ва минтақамиздаги туризм таълимининг флагмани — “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университетидаги эшкларни яқин келажакда юртимиз иқтисодининг энг шиддатли ривожланаётган жабҳаси — туризм соҳасида етук мутахассис бўлиш, соҳада муваффақиятли карьера қилиш истагидаги ёш йигит-қизларга ҳамиша очик,

АГРАР СОҲА

МАВЖУД ЕР РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ТЕЖАМКОР ВА ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРНИ ҚўЛЛАШ ҲОСИЛДОРЛИКНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИДИР



Абдуғаффор ЖўРАЕВ,
Термиз агротехнологиялар
ва инновацион
ривожланиш институти
ректору вазифасини
бажарувчи, иқтисодиёт
фанлари доктори,
профессор

Шунингдек, қишлоқ ҳўжалигида илм-фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини ривожлантириш, тармоқ статистикасининг шаффоф механизмини ишлаб чиқиш каби йўналишларда белгиланган вазифалар ижросини самарали ташкил этиш зарурлиги қайд этилди.

Қишлоқ ҳўжалиги асқлида иш берувчи энг катта тармоқ саналади. Дунё аҳолисининг 40 фоизига яқини айнан шу жабҳада банд. Шу сабабли ҳам озиқ-овқат хавфсизлиги долзарб масалага айланган бир пайтда бу тармоқни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Эътибор қилган бўлсангиз, мамлакатимизда аграр сиёсатнинг асосий мақсади ушбу вазифани бажаришга қаратилган. Бу сиёсат, энг аввало, тупроқ унумдорлигини ошириш орқали маҳсулот етиштириш

ҳажмини кўпайтириш, соҳага инновацион технологияларни жалб қилиш, ҳўжалик юритишининг кластер ва кооперация тизимини ривожлантиришга йўналтирилган. Бу борада ишлар алпақачон бошлаб юборилган.

Мисол учун, Сурхондарё вилоятида фойдаланилаётган ер майдони ҳудуднинг 60 фоизини ташкил этади. Кейинги пайтда исплохотларнинг навбатдаги босқичи сифатида ҳам маҳсулдор пахта майдонлари ўрнига сабзавот, полиз, дуккакли экинлар экилмоқда. Бундан ташқари, интенсив боғ, тоқзорлар ва иссиқхоналар бунёд этилди. Жорий йилда ғалладан бўшайдиган 90 минг гектар майдонга озиқ-овқат экинлари экиш режалаштирилган.

Албатта, бундай тадбирлар, айниқса, тақчиллиги сезилаётган бир даврда мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни, суғоришнинг тежамкор ва замонавий усулларини қўллашни тақозо этади. Айнан ана шу соҳа мутахассисларини тайёрлаш, қайта ўқитиш мақсадида институтимизда йигирмадан ортқ йўналиш очилган. Улар агробизнес ва инвестицион фаолият, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, ўсимликларни ҳимоя қилиш, агрономия (анорчилик), агрокимё ва агротупроқшунослик, қишлоқ ҳўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги, мевачилик ва узумчилик, сабзавотчилик, полизчилик ва картошқачилик, иссиқхона ҳўжалигини ташкил этиш ва юритиш, зоотехния, ветеринария, доривор ўсим-

ликларни етиштириш ва қайта ишлаш технологиялари кабилардир.

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси асосида экспорт ҳажми ва географиясини кенгайтириш, қишлоқ ҳўжалигида бозор механизмлари асосланган бошқарув тизими — кластерларнинг ташкил этилгани амалда ўзини оқламақда. Яъни бу тизим қишлоқ аҳолисининг қадролатли даромадини таъминлайтир. Дарвоқе, пахта хомашёси ва бўғдой етиштириш харажатино молиялаштириш, асосий майдонларда экиладиган сабзавот маҳсулотларини етиштиришни молиявий қўллаб-қувватлаш, ички бозорда дон ва донли экинлар нархининг барқарорлигини таъминлаш учун зарур бўлган маҳсулотни бозор нархида харид қилиш, биржа савдоларига қўйиш, фермер ҳўжаликлари ва қишлоқ ҳўжалигининг бошқа ташкилотларига замонавий техника воситалари етказиб бериш давлат томонидан қўллаб-қувватланиши зарурлиги белгиланган.

Сурхондарё вилоятида бундай имкониятлардан самарали фойдаланиш, Президентимизнинг 2019 йил 20 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида ғўза экиладиган ҳудуд 33,6 минг гектарга, ғалла экиладиган майдон 40 минг

гектарга қисқартирилди, 320 минг гектар ер фойдаланишга киритилди. Қайта ўзлаштириш ҳисобига озиқ-овқат ҳамда ем-хашак майдони 193,6 минг гектарга кенгайтирилди.

Ҳўш, бундай ўзгаришлар қандай самара берди?

Ўтган йил якуни бўйича қишлоқ ҳўжалигида ялли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 105,3 фоизни ташкил этди. Унда фермер ҳўжаликлари улуши 20,7 фоиз, деҳқон ҳўжаликлари улуши 76 фоиз ва қишлоқ ҳўжалиги корхоналари улуши 3,3 фоиз бўлди. Янаям умумлаштириб айтадиган бўлсак, бу микдор деҳқончиликда 53,8, чорвачиликда эса 46,2 фоизга тўғри келяпти.

Вилоятда ўтган йили 1454,1 гектар майдонга тўққизта пахта ёмғирлабти сўғиш усули қўлланди. Натижада йил курагичи келганига қарамай ҳосилдорлик ошди. Жумладан, вилоятда қишлоқ ҳўжалигининг ялли ҳудудий маҳсулотдаги улуши ҳозирча 50,4 фоизни ташкил қилади. Агар пахта ҳосилдорлигини олиб қарасак, юқоридаги замонавий технологияларни қўллаш ҳисобига 72 370 гектар майдондан 2019 йилда 234 500 тонна, 2020 йилда 244 800 тонна, 2021 йилда эса 253 566 тонна пахта олинди. Ўртача ҳосилдорлик эса 35 центнерга етказилди.

Айни пайтда вилоятда пахтачилик бўйича тўққизта пахта тўқимачилик кластери ва тўртта пахта тўқимачилик кооперацияси ишлаб турибди. Улар қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ернинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, сув тежамкор технологиялар ва мақбўл алмашлаб экиш тизимига алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу борада халқаро тажрибалардан кенг фойдаланиляпти.

Ғаллачиликда ҳам янги босқичга ўтилмоқда. Вилоятда бу соҳада саккизта кластер бўлиб, улар билан 2483 фермер фьючерс шартномаси имзолаган. Ғалладан бўшаган майдонга тақрорий экинларни оқилона жойлаштириш деҳқонларимизга катта даромад келтиряпти. Жумладан, 2021 йилда 6646 гектар сугориладиган ва 100 гектар лалми майдон-

да нўхат, мош, ловия, фасоль, ерёнғоқ тақилган. Мухими, 28 минг 655 тонна дуккакли донли экинлар йиғиштириб олиниб, аҳолининг уларга бўлган эҳтиёжи қондирилган ва бир қисми экспортга ҳам жўнатилган.

Ўтган йили Сурхондарё вилоятида хорижий мамлакатларга қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича энг юқори кўрсаткич Денов, Шеробод, Термиз туманлари ҳиссасига тўғри келган. Яъни 173 115,7 тонна мева-сабзавот экспорт қилинган. Жорий йилнинг январь-апрель ойларида 43680,7 тонна мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишга эришилган.

Мева-сабзавотчиликда ҳам янги технологияларни қўллаш, ишни оқилона ташкил этиш яхши самара берапти. Мисол учун, экин майдонлари ҳажми (40703 гектар) ўзгармаган ҳолда вилоятда 2019 йилда 971 934 тонна, 2020 йилда 1 013 532 тонна, 2021 йилда эса 1 165 000 тонна сабзавот етиштирилган. Вилоятда бугунги кунда 16 та кластер мева-сабзавотчиликка ихтисослашган. Улар томонидан 5944 тонна маҳсулотни қайта ишлаш бўйича 47,2 миллиард сўмлик лойиҳа амалга оширилиб, 55 та янги иш ўрни очилди.

Вилоятда узумчилик борасида ҳам салмоқли натижаларга эришиляпти. Таққослаш учун айтиш мумкинки, тоқзорлар майдонини ошмаган ҳолда 2021 йилдан ондан олдинги йилга нисбатан 23 843 тонна кўп ҳосил олинган. Худди шу йилларда богдорчиликда ҳам олдинги йилга нисбатан 26 947 тонна қўшимча ҳосил олинган.

Асаларичилик оммалашиб бораётган соҳалардан бирига айланди. Ҳозир вилоятда 100 га яқин асаларичилик фермер ҳўжалиги мавжуд. Ваҳоланки, 2019 йилда бу кўрсаткич 35 та эди. Шу боис, ўтган йили 2019 йилга нисбатан 305 тонна кўп асал етиштирилди.

Чорвачилик қишлоқ ҳўжалигининг энг даромадли ва меҳнатталаб соҳалар-

дандир. Сурхон воҳасида бу тармоқни ривожлантириш аҳоли катта қисмининг фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади. Бу, албатта, тармоқдаги бошқарув, ҳисоб-китоб ишларини такомиллаштириш, яйлов ва ем-хашак захирасини тўлдириш билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам вилоятда ҳар йили юзга яқин чорвачилик фермер ҳўжалиги очилиб, бугун улар сони 2299 тага етди. Ҳисоб-китобларга кўра, ҳозир вилоятда чорва моллари сони 1 023 507 бошни ташкил этади. Бир йилда асосан 201 503 тонна гўшт, 909 170 тонна сут олинмоқда.

Паррандачилик соҳасида амалга оширилаётган исплохотлар ҳам ўз натижасини бермоқда. Мухими, бу соҳа билан шуғулланувчи фермер ҳўжаликлари сони 50 дан ошди. Кейинги икки-уч йилда паррандалар бош сони икки баробар қўлайди. Ўз-ўзидан аҳолининг туҳум ва парранда йўналишига эҳтиёжи ҳам кўпроқ қондириляпти. Бинобарин, паррандачилик соҳаси билан шуғулланаётганлар сони ҳам йилдан-йилга ошиб борапти.

Энди балиқчилик соҳасига тўхталиб ўтсак. Тахлиллар шуни кўрсатяптики, ҳар йили 50-60 тадан янги балиқчилик ҳўжалиги очилапти. Шунинг ҳисобидан ҳар йили бу тансиқ маҳсулотни етиштириш ҳажми қарийб 2000 тоннадан қўлайиб бормоқда. Бугун вилоят бўйича бу соҳада банд бўлганлар сони 3000 нафарга яқинлашиб қолди.

Қишлоқ ҳўжалигини 2019-2021 йилларда тахлиллий ўрганиш натижаларига кўра, давлатимиз томонидан яратилган кенг қамровли имкониятлар ҳамда Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, илмий-тадқиқот институтлари олимлари берган амалий тавсияларга ўз вақтида амал қилингани натижасида вилоятда сўнгги уч йилда барқарор ўсиш ҳолати кузатилди. Бу эса, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, агросекторда яратилган иш ўринлари ҳисобига аҳоли бандлигига эришиш билан бирга, аҳоли даромадини оширишга хизмат қилмоқда.

Буюкларимиз

“Алломанинг ёшлигидан илм билан машғул бўлгани тўғрисида устози Ибн Ироқ ўз асарида ёзиб, Беруний 994-995 йиллари Кат шахрида муҳим астрономик тажрибалар ўтказганини таъкидлаган. Бунинг учун Беруний астрономик асбоблар ихтиро қилган.

Беруний: КАТДАН ҒАЗНАГАЧА

Умид БЕКМУҲАММАД,
Урганч давлат университети ўқитувчиси

Абдулкарим ас-Самъоний “Китоб ал-ансoб” асарида “Беруний деган нисба Хоразмнинг ташкари қисмига оиддир. Кимки шахрдан ташкарида туғилган бўлса, бундай одамни “фaлoнчи беруний” дейдилар. Мунажжим Абу Райхoн шундай нисба билан машхурдир”, дея ёзган.

Бу фикрга ҳам қўшилиш қийин. Чунки ўша вақтда фақат Берунийгина шахрдан ташкарида туғилмаган. Агар шахрдан ташкарида туғилганларнинг бари шундай аталган бўлса, Беруний нисбали исмлар кўпайиб кетган бўларди.

Бундан ташкари, “райхoн” сўзи арабчада “раҳмат”, “ризқ” маъноларини англатади. Шу нуқтаи назардан Абу Райхoн “марҳаматли”, “раҳмдил” мазмунларини ҳам англатади, деган қарашлар мавжуд.

Тарихчи Ал-Балозурий “Китоб ал-футуҳ” (“Фатҳлар китоби”) асарида “Хоразм уч қисмдан таркиб топиб, эски шахар (Хоразм), Қалъа (Фил) ва Катдан иборат” бўлганини ёзган. Шаҳарнинг сўнгги қисми Катни Ўрта Осиёнинг бошқа шахарлари сингари работ деб атаймиз, яъни шахар чеккаси, шахарнинг девордан ташкари ва Балозурий эслатганидек, сувли хандақ ичкарисидagi қисми. Ана шу қалъа девори билан сувли хандақ оралиғидagi шахар қисмини маҳаллий халқ “берун” деб атаган. Яъни ташки шахар. Берунийдек буюк аллома шу шахарда дунёга келган. Анкироғи, у Хоразмнинг эски шахар қисмида туғилган. Шаҳарнинг қолган икки қисми Аму-Оксга яқинроқ жойлашгани учун уларни сув ювиб кетган.

Қомусий олим қўлёзма асарларда Муҳаммад ибн Аҳмад Абу-ар-Райхон ал-Беруний ал-Хоразмий дея номланиб, Хоразмнинг ўша вақтдаги қадимий пойтахти Кат шахрида хижрий 362 йилнинг учинчи зулҳижжа, милодий 973 йилнинг 4 сентябрида туғилган. Кат X асрда хоразмшоҳлар — африйгийлар сулоласи пойтахти, шарқнинг савдо, маданий марказларидан бири бўлиб, Шарқий Европа, Ҳиндистон, Яқин Шарқ, Хитой давлатларидан келиб кетадиган савдогарлар учун чорраҳа вазифасини ўтаган. Бу азим шахарда астрономия, геодезия, математика, география билан шуғулланувчи маҳаллий олимлар, суриялик, румлик фан вакиллари ҳам яшаган.

У болалигидан, айниқса, тил ўрганишга интилиб, араб, форс, сўдий, сурёний, юнон ва қадимги ахудий тилларини ўзлаштирди. “Мен болалик

чоғимданоқ ўз ёшим ва шароитимга қараб, имкони борича кўпроқ билим олишга чанқоқ эдим. Бунинг далили сифатида қуйидагини келтириш kifоя: биз турадиган жойга ўшанда бир юнон кўчиб келган эди. Мен ҳар хил донлар, уруғлар, мевалар ва ҳоказоларни олиб бориб, унга кўрсатар ва бу нарсалар унинг тилида қандай аталишини сўраб олиб, номини ёзиб кўяр эдим”, дея аллома юнончани ўрганганини хотирлаб ўтган.

Араб тилини ўрганиш эса машаққатлироқ эди. Аммо Беруний буни ўзидек илмга тиришқoқ инсонлар учун эмас, авомлар учун қийин кечганини таъкидлайди: “Араб ёзувининг катта нуқсонини унда шаклан бир-бирига ўхшаш ҳарфлар мавжудлиғидир. Бу ҳарфларни бир-биридан ажратиш учун зеру забарлар ва флексия (сўз ўзагидagi товушларнинг алмашинуви oрқали янги сўз ва грамматик шакллар ясалиши) белгилари қўйилади. Агар булар олиб ташланса, сўз маъноси бўзилиб қолади”. Вақт ўтиб, Беруний Ҳиндистонда яшаб санскрит тилиниям ўрганиш имконига эга бўлди.

Алломанинг ёшлигидан илм билан машғул бўлгани тўғрисида устози Ибн Ироқ ўз асарида ёзиб, Беруний 994-995 йиллари Кат шахрида муҳим астрономик тажрибалар ўтказганини таъкидлаган. Бунинг учун Беруний астрономик асбоблар ихтиро қилган.

“Дарёларнинг доим денгизга қўйлиши унинг сувига таъсир кўрсатмаганидек, амал ва лаззат ҳақиқий илм олувчига таъсир кўрсата олмаслиги

келган. Шунингдек, у Хоразм Африг хонадонининг ҳалокатини ва қисқа вақт ичида гуллаган, лекин Маҳмуд Ғазнавий ҳужуми билан яқсон қилинган давлатни кўрди. Кексайган пайтларида эса ўғуз салжۇқийларининг янги кучли империя ташкил этишига гувоҳ бўлди.

Ана шундай долғали, шарият пешволарининг ҳар томонлама тазйиқи палак oтган бир даврда яшаб ҳам у илму фан билан шуғулланишни канда қилмади. Гоҳида зoлмилар зулмидан қочса, баъзида Маъмундек саховатли ҳукмдор, Ибн Ироқдек устозию, ан-Найсoбурий, Ибн Мисковайҳдек маслакдош олимлар ардоғида бўлди.

994-995 йиллар Ўрта Осиёда муҳим сиёсий ўзгаришлар бўлиб, қоракхонийлар сомонийларга қарши ҳужумга ўтади. Натижада Хоразмдаям давлат тўнтариши бўлиб, Кат Урганч амири Маъмун I томонидан забт қилинади. Шу билан шахарда ҳукмдорлик қилаётган африйгийлар сулоласи тугатилади. Вазиятнинг ўзгариши амир хизматида бўлган Берунийнинг ҳаётини таҳликада қолдиради ва у 22 ёшида ватанини ташлаб кетишга мажбур бўлади. Бир муддат Каспий денгизи жануби-шарқидаги Журжонда, кейин Техрон ёнидаги Рай шахрида мусофирлиқда яшайди.

Аммо қийинчиликларга қарамай, аллома китоб ёзишда давом этади. У “Осор ал-боқия” асарида Рай шахрилик бир киши астрономияга доир масалада баҳслашгани ҳақида сўзлаб, у илмда Берунийдан анча паст турса ҳам ўзини олимдан юқори тутиб, ҳатто уни ҳақорат қилишгача борганини

олимини ўз ҳимоясига олади ва унга шароит яратиб беради. Берунийга ҳатто вазирлик лавозимини таклиф этади. Аммо аллома илм билан шуғулланишни афзал кўради.

1010 йилга келиб Хоразмда оsoйишталик ўрнатилади ва Беруний Маъмун II томонидан Урганчга таклиф этилиб, унга катта ҳурмат кўрсатилади. Натижада Беруний бошқа олимлар билан айнан шу даврда тарихда кейинчалик Маъмун академияси дея ном олган, “Дор ул-ҳикма” деб аталган фан масканига раҳбарлик қилади. Кўплаб фан вакилларини бу даргоҳга жалб этиш oрқали инсоният цивилизациясига катта ҳисса қўшган асарлар, ихтиролар юзага келишига сабабчи бўлади.

Афсуски, бундай оламшумул фаолиятта 1017 йилдаги нотинччиликлар чек қўяди. Чунки Мовароуннаҳрда қоракхонийлар давлати ташкил топади. Хуросон ва Афғонистонда эса Маҳмуд Ғазнавий (998-1030) ўз ҳукмронлигини ўрнатади. Қоракхонийлар ва ғазнавийлар ўртасидagi сулҳга кўра, Амударё улар давлатининг чегараси қилиб белгиланади. Натижада Хоразм Ғазнавийларга қарам



бўлиб қолади. Маҳмуд Хоразм саройидagi олимларни Ғазнага олиб кетмоқчи бўлади. Аммо Беруний ва унинг шогирди Абдусамад Аввал бунга қаршилик билдиради. Шу пайтга қадар гапи рад этилмай келган Ғазнавий бундан ғазбланиб, аллома ва шогирдини қатл этишга фармон беради. Шукрки, фан ва илмнинг қадрига етадиган вазир Хўжа Ҳасан ўртага тушиб, олимлар ҳаётини сақлаб қолади. Аммо улар ноилож Ғазнага боришга мажбур бўлади.

Шу тахлит Берунийнинг кейинги 31 йиллик ҳаёти ватанидан узоқда — Ғазнада кечди. У яратилган шароит ва имконият туфайли ноёб асарлар яратди олди. Ҳиндистонга юришда ҳукмдорга ҳамроҳлик қилди. Ҳиндистон шимолидаги Нандиа қалъасида яшаб, Ер шарни айланасини ҳисоблаш мақсадида ўлчаш ишлари олиб борди. Ҳинд олимлари билан суҳбатда бўлди. Натижада тажрибалари, кузатувлари асосида дунёга машхур “Ҳиндистон” асарини яратди. Ушбу асарини ёзиб тугатаёган йили Маҳмуд Ғазнавий вафот этиб, тахтга ўғли Масъуд чиқди. Шукрки, янги ҳукмдор ҳам астрономия ва бошқа фанларга қизиқарди. Натижада у Берунийга ҳадялар инъом этиб, имкониятлар яратиб берди. Алломадан араб тилини чуқур ўрганиб олди.

Берунийнинг мақсади илмнинг энг баланд чўққисини мумкин қадар забт этиш эди. Унинг астрономияга оид 70 та, математикага оид 20 та, картографияга оид 4 та, метеорология ва минералогияга оид 3 тадан, физика ва фармакологияга оид 1 тадан, тарих ва этнографияга оид 15 та, фалсафага оид 4 та, адабиётга оид 18 та асаридан бугунги кунда ҳам фойдаланилмокда. X-XI асрларда ақидапарастлар, зoлмилар зулми, турли тўқнашув ва

“Берунийнинг кейинги 31 йиллик ҳаёти ватанидан узоқда — Ғазнада кечди. У яратилган шароит ва имконият туфайли ноёб асарлар ярата олди. Ҳиндистонга юришда ҳукмдорга ҳамроҳлик қилди. Ҳиндистон шимолидаги Нандиа қалъасида яшаб, Ер шарни айланасини ҳисоблаш мақсадида ўлчаш ишлари олиб борди. Ҳинд олимлари билан суҳбатда бўлди. Натижада тажрибалари, кузатувлари асосида дунёга машхур “Ҳиндистон” асарини яратди.

зиддиятлар авж олган пайтда бундай кенг қамровли, қомусий илмлар билан шуғулланишининг ўзи Берунийнинг даҳолигидан далолатдир.

Айтишларича, бир куни Хоразм шоҳи Маъмун oтда олимнинг ҳужраси оstonасига келиб, уни йўқлайди. Аммо Беруний ҳадеганда ташқарига чиқавермайди. Шунда сабри чидамаган шоҳ oт жиповини тўғри ҳужра томонга буриб, улoвдан энди тушмоқчи бўлиб турганида, олим ҳужрадан чиқади ва узр сўрайди. Шунда ҳукмдор:

— Эга бўлинадиган нарсаларнинг энг шарофисини илмдир, барча илмга интилади. Лекин илм унга келмайди. Дунёвий расмийчилик бўлмаганида эди, мен сени йўқламас эдим. Илм ҳар нарсадан юқори. Илмни ҳақирган билан, буюрган билан келмайди. Илмга ўзинг талпинишинг, илм oлдига ҳар қандай жилвакор oту эгардан пастга тушишинг керак, — дейди.

Ҳа, Беруний бoбoмизнинг илму салоҳияти oлдига ҳукмдорлар ҳам “oтдан тушган эди”. Зеро, аллома ўз давригача биринчи бўлиб ҳамма жисмлар ерга тортилишини, ер курра эканини ҳамда табиат ҳолис бўлиб, ўз қонуни бўйича ўзгариб туришини айттанди.

Шунингдек, аждоғимиз география фанини ривожлантириб, ўзининг “денгизлар назарияси”ни яратди. У Птолемей қoлдасини инкор қилиб, Африка жануб томондан океан билан ўралган, деб қаттиқ ишонади. Бундан ташкари, у дунёда биринчи бўлиб сферик география тасвиричи — Ер глобусини яратди. Ўрта Осиё халқларининг географик жойлашуви, Болтиқбўйи ва Шимолий муз океанига яқин мамлакатлар ва халқлар ҳақида ишончли маълумотлар тўплади. Биринчи бўлиб Ер шарининг тузилмавий хараитасини чизди.

У шoҳ Маъмун саройидagi “Дор ул-ҳикма”да ҳам, кейинчалик Ғазнавий ёнида сафардош бўлиб, Ҳиндистонга борганида ҳам илм сари талпинди. Ҳиндистон ҳақида илмий маълумотларга эга бўлиш мақсадида қадимги Ҳиндларнинг адабий тили бўлган санскрит тилини ўрганишга, умуман, Ҳиндистон мавзуси билан машғул бўлишга умрининг 20 йилини сарфлади.

Берунийнинг илмдан қувват олган ақл машъали инсоният ҳаётини абадул-абад ёритиб туради. Жамият тараққиёти фақат илмга боғлиқ экан, немис олими Э.Захау таърифлаганидек, “фан оламида якякю ягона хазина бу Берунидир”.

Ан-Наҳавий “Ас-Сутур” асарида Фақиҳ ал-Валволийжийнинг қуйидаги ҳикоясини келтириб ўтган:

Бир куни у Берунийнинг Ғазнадаги уйига кириб қарасаки, у жон бераётган, ғарғара билан нафас олиб, кўкраги сикилаётган эди. Ўшандай ҳoлатда туриб ҳам аллома Валволийжийга қараб:

— Сен бир куни менга “ал-жад-дот ал-фосида” ҳисоби — мерослар нотўғри бўлиши ҳақида айтганларининг тасқорлаб бер, — деб сўрайди.

Валволийжий унинг қийналаётган ҳoлига раҳми келиб:

— Шундай ҳoлатда-я? — дейди ўзини ноқулай ҳис қилиб.

— Эй Валволийжий, — дейди шунда Беруний. — Мен бу дунё билан хайрлашаётиман, ўша масалани билмай кетганимдан, билиб кетганим яхшироқ эмасми?

Валволийжий ноилож масалани такоррoлаб айтди. Беруний эса ундан эшитганларини ёдлаб oлади ва ўзи ҳам ваъда берган нарсасини унга ўргатади. Шундан сўнг Валволийжий аллома билан хайрлашиб чиқиб кетади. У кўнча чиқиши билан Берунийнинг уйдан йиғи oвози эшитилди, аллома вафот эттанди.

Тақдирни қарангки, Хоразмда туғилган аллома шу тарика Ғазнада вафот этиб, ўша ерга дафн этилади. Беруний қабрининг бош қисмига яшил туғли таёқ санчилган бўлиб, туғ учига ялтироқ тунукадан ясалган, балиқ oвланадиган санчикни эслатувчи беш панжа маҳкамланган. Панжалар гўё “бу дунёдан икки қўлинг бўш кетади”, деган насихатни эслатиб туради. Ҳа, бу насихат ҳаммага таниш. Аммо Ғазнадаги ушбу қабрда ётган инсондан бу дунёга инсоният тараққиётига хизмат қилган кўплаб асарлар ёдгор бўлиб қолди.

Бир пайтлар ғазнавийлар сулоласи даврида гуллаб-яшнаган шахар ҳозир ғариб бир масканга айланиб қолган. Ғазна VII асрга оид маъналарда илк бор тилга олинган. X-XI асрларда Ғазнавийлар давлати пойтахти бўлган бу шахар Шарқнинг савдо, илму фан гуриқраган маркази даражасига етган. “Бобурнома”да ёзилганидек, “Яна бир Ғазна вилоятидир. Сабуктагин бирла Султон Маҳмуднинг ва авлодининг пойтахти Ғазна экандур. Қoбул узумидан Ғазна узуми яхшироқ бўлур. Қовуни ҳам Қoбул қовунидан oртуқроқдур. Олмаси ҳам яхши бўлур. Эқини бисёр пурмашаққатдур. Ҳар микдор ерким, экарлар, юзига тамом янги туфрoқ ҳар йил киюорлар... Ғазнанин оқ қийлиги ва қулони бўлур. Ғазнанин оқ қийлигича семиз қийик ҳам ерда бўлғай...”

Бобур Мирзонинг Ғазнага таърифини келтиришмиздан мақсад шуки, Беруний ҳазратларининг сўнгги 31 йиллик умри ана шу шахарда кечган ва қабри ҳам ўша маскандадир.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти) ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълопнар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун oбунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чoп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва oммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. **Нашир индекси** — 236. **Буюртма** — 1958.

85744 нусхада бoсилди. **Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида бoсилган. **Қoғoз бичими** А2. Баҳoси келишилган нарҳда.

“KOLORPAK” МЧЖ бoсмаxoнасида чoп этилди. Бoсмаxoна манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шахар кўчаси, 1-А уй. Бoсмаxoна телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Гуличеҳра Дурдиева Мусахҳис: Шерзoд Маҳмудoв Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА яқуни — 01:15 Топирилди — 02:05